JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI

XALQARO MUNOSABATLAR

SIYOSAT, IQTISODIYOT, HUQUQ

ILMIY-NAZARIY JURNAL

4/2014
(№58)

INTERNATIONAL RELATIONS ● МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: N. A. NUGMANOV

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Sh.N.Kuchimov, A.V. Makatayev, B.A. Abdurahmonov, M.T.Turdiyev, Sh.Rahmonov, T.T.Atamurodov, M.M.Bahadirov, R.F.Farmonov, A.O.Fayzullayev, I.A.Hamedov, Sh.A.Husainov, I.R.Mavlonov, A.R.Muminov, O.Sheraliyev, M.Siddikova, G.A.Tabak, A.Xalilova, E.Xoshimov, A.Voxidov, R.Yu.Yusuvaliyeva, S.O.Zokirova, G.S.G'ulomova.

TELEFONLAR: 267-07-41; 268-61-07; FAKS: 267-09-00
TAHRIRIYAT MANZILI: 100113, Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54.

Ushbu sonni tayyorlaganlar:

Muharrirlar: L.B.Hodanovich, N.M.Usmonova
Original-maket va dizayn: I.A.Semenyuk

JIDU ruxsatisiz qayta chop etish man qilinadi.
Ko'chirib bosilganda «Xalqaro munosabatlar» jurnali ko'rsatilishi shart.
Tahrir hay'ati fikri muallif fikridan o'zgacha bo'lishi mumkin.
Qo'lyozmalar, suratlar qaytarilmaydi.

Перепечатка без разрешения УМЭД не допускается.
При перепечатке ссылка на журнал «Xalqaro munosabatlar» обязательна.
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов публикуемых статей.
Рукописи, фотографии, рисунки не возвращаются.

Ushbu nashr 068 raqami bilan qayd etilgan.

Formati 70x100 1/16. Hajmi 8,4 b.t. Adadi 300 nusxa. Kelishilgan narxda.
JIDUda chop etildi. Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54.

© Xalqaro munosabatlar, 2014.

МУНДАРИЖА

SIYOSAT

Р.Ф. Фармонов
ФРАНЦУЗ ПАРЛАМЕНТИ: МИЛЛИЙ МАЖЛИС ВА СЕНАТНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ТУТГАН ЎРНИ *5*

Э.С. Султанова
МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФИКРЛАШ МАДАНИЯТИ МУХИМ ОМИЛ СИФАТИДА *10*

Ш.М. Йигиталиев
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ *21*

Р.Ю. Турсунова
РАЗВИТИЕ МНОГОПАРТИЙНОЙ СИСТЕМЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ *30*

IQTISODIYOT

О.Р. Шералиев
ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ *39*

Р. Джураева
ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СТРАТЕГИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА *48*

З. Холмахмадов, А. Исмаилов
МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ВАЛЮТА КУРСИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТНИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ *54*

S.T. Turaeva, O.A. Sorokina
CURRENT TRENDS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT PROCESSES IN HIGH-TECHNOLOGY *61*

HUQUQ

O. Nayimov
DEMOCRATIC ELECTIONS IN UZBEKISTAN: LEGISLATION AND PRACTICE 72

Ш.Н. Рахмонов
МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ПРИВИЛЕГИЙ И ИММУНИТЕТОВ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВ ГОСУДАРСТВ ПРИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ 76

Б. Набераев
БЮДЖЕТНО-ФИНАНСОВЫЙ КОНТРОЛЬ ПАРЛАМЕНТА ФРГ 82

MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT

Н. Сайдалиева
ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ 89

G.A. Tabak
REFRAMING CULTURAL DIPLOMACY: INTERNATIONAL CULTURAL POLITICS AS SOFT POWER 98

ILMIY HAYOT

А. Вахидов
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ КУРСОВ ПРИ УМЭД В 2014 Г. 104

Р.Ф. Фармонов,
ЖИДУ, "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси профессори, т.ф.д.

ФРАНЦУЗ ПАРЛАМЕНТИ: МИЛЛИЙ МАЖЛИС ВА СЕНАТНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ТУТГАН ЎРНИ

Калит сўзлар: *миллий мажлис, парламент, Сенат, депутатлар палатаси, легислатура, фракция.*

* * *

В статье рассматривается роль Французского парламента в стране. Также подробно описывается формирование и становление парламента во Франции, его структура и избирательный процесс.

Ключевые слова: *национальное собрание, парламент, Сенат, Палата депутатов, легислатура, фракция.*

* * *

The article discusses the role of the French parliament in the country. Also describes in detail the formation and establishment of the parliament in France, its structure and the process of electing.

Keywords: *National Assembly , the parliament , the Senate , the House of Deputies, the legislature, the faction.*

1958 йилги V Республика Конституциясига кўра, қонун чиқарувчи олий ҳокимият парламентдир. Парламент икки палатадан иборат бўлиб, Миллий мажлис – Assamblee Nationale ва Сенат деб юритилади. Эътиборли томони шундаки, III Республика даврида қуйи палата "Депутлар палатаси" деб, IV Республика даврида эса юқори палата Сенат "Республика Кенгаши" деб номланган. Ҳар иккала палатанинг мажлислари, одатда, алоҳида-алоҳида биноларда ўтказилади. Миллий мажлис Бурбон қасрида Palais de Bourbons, Сенат – Люксембург қасрида – Palais de Luxemburg жойлашган. Айрим ҳолларда, масалан, бирор-бир миллий танталар ўтказилаётган пайтда ёки хорижий давлатларнинг раҳбарлари чиқиш қилса, Миллий мажлис депутатлари ва сенаторлар бирга йиғилишади. Анъаналарга кўра, Сенат – юқори палата, Миллий мажлис эса – қуйи палата ҳисобланади. Ҳар иккала палатада кўпчилик овоз бергандагина қонун кучга киради. III Республика даврида Сенатнинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, яъни агар Сенат қуйи палата қабул қилган қонун лойиҳасини рад этса, у бекор қилинган, кучга кирмаган. V Республика Конституциясида эса Сенатнинг III Республика давридаги имтиёзлари чекланган. Эндиликда Сенат Миллий мажлис – қуйи палатанинг қонун

лойиҳасини бир марта рад этиш ҳуқуқига эга, агар бу қонун лойиҳаси иккинчи марта Миллий мажлис томонидан овоз бериш йўли билан маъқулланса, у кучга киради.

Шундай қилиб, қуйи палата – Миллий мажлис катта ваколатларга эга бўлиб, охир-оқибат, мамлакат қонунларининг тақдири айнан шу ерда ҳал бўлди.

Миллий мажлис депутатлари мажоритар усул орқали икки турдан иборат бўлган сайловларда сайланадилар. Депутатлар сони сайловчилар сонига қараб V Республика даврида 450 дан 577 тагача бўлган. Ҳозир уларнинг сони 577та[1]. Депутатларнинг мутлақ кўпчилиги метрополиядан бўлиб, жуда оз депутатлар Франциянинг денгиз оролидаги ерлари вакилларидир. Миллий мажлис депутатларининг беш йиллик ваколатлари **легислатура** деб номланади. Беш йил муддат давомида депутатларнинг шахслари дахлсиз бўлиб, уларни қамоққа олиш, уйларини тинтув қилиш ва ҳ.к. ман этилган. Депутатлар маош олишади, унинг миқдори ҳукумат билан келишилган ҳолда Миллий мажлис томонидан белгиланади.

Миллий мажлиснинг биринчи йиғилишларидаёқ унинг ишчи органлари беш йиллик муддатга сайланадилар. Миллий мажлис ишини унинг раиси бошчилигида **22 депутатдан иборат** бюро бошқаради. Миллий мажлис раиси, одатан, Франция Республикасида Президент, Сенат раисидан кейин учинчи шахс ҳисобланади.

Шундан сўнг Миллий мажлис таркибидаги доимий комиссиялар сайланади. 1958 йилги Конституция доимий комиссиялар сонини кескин қисқартирди. Агар IV Республика даврида бу комиссияларнинг сони 20-22 та бўлса, V Республика даврида уларнинг сони 6-9 тагача қисқарди. Ҳар бир комиссиянинг сони аниқ қилиб белгиланди. Анъанавий комиссиялар: Ташқи ишлар бўйича комиссия (50 аъзо), мудофаа (40 аъзо), молия ва иқтисод бўйича (60 аъзо), қонунчилик (9-11 аъзо) комиссияларидан иборат. V Республика даврида ижтимоий муаммолар кўпайганлиги туфайли янги комиссиялар ҳам таъсис этилди. Булар қаторига Маданият ва оила ишлари бўйича, ёшлар ва спортга доир, таълим ишлари бўйича ва бошқа комиссиялар қўшилди.

Ҳар бир депутат қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, ҳар қандай қонун лойиҳасини кун тартибига киритиши мумкин. Бироқ Миллий мажлис таомилига мувофиқ равишда барча қонун лойиҳалари ўз йўналиши ва моҳиятига кўра шу қонунчиликка тегишли доимий комиссияда муҳокама этилиши шарт. Мазкур комиссия қарорига биноан, бу қонун лойиҳаси Миллий мажлис пленар йиғилишининг кун тартибига қўйилади ёки қўйилмаслиги ҳам мумкин.

Доимий комиссия раислари ҳисобот учун ёки аниқлик киритиш учун ўз йиғилишларига ҳукумат аъзоларини чақириш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳисоботлар ва ахборотларни эшитиш очиқ ва ёпиқ тарзда ўтказилади. Одатда, ёпиқ тарзда ўтказиладиган мажлисларда ташқи сиёсат, мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари муҳокама этилади. Миллий мажлиснинг энг муҳим функциялари ёки вазифалари қаторига қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳукумат томонидан тавсия этилган бюджетни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш ҳамда ҳукумат таркибини тасдиқлаш каби масалалар киради.

Франция парламентаризми тарихида қуйи палата ҳамиша етакчи роль ўйнаб келган. Айниқса, бу ҳолат III ва IV Республикалар даврида яққол намоён бўлди. Аммо V Республика даврида ижроия ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳукуматдан устунлигига эришилди ва маълум маънода Миллий

[1] Assamblee nat. fr.

мажлис ҳуқуқлари Конституция асосида чекланди.

Энг аввало, биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Миллий мажлис сессиясининг вақти чегараланди. III Республика даврида Депутатлар палатасининг мажлиси чегараланган бўлиб, одатан, улар бир йилда 8 ойгача мажлис қилишарди. 1958 йил Конституциясининг 28-моддасига биноан Миллий мажлис бир йилда икки марта йиғилди. Бу мажлислар кузги ва баҳорги деб номланиб, мажлисларнинг муддати 5,5 ойдан ошмаслиги керак [1].

1963 йил 30 декабрда бу қонун янада такомиллаштирилиб, унга тузатиш киритилди. Конституциянинг 28-моддасига кўра, сессияларнинг муддати аниқ тартибга солинди. Бу тузатишга кўра, кузги сессия ҳар йили 2 октябрдан бошланиб, сессия мажлислари 80 иш кунидан ошмаслиги ва баҳорги сессия 2 апрелдан бошланиб, 90 иш кунидан ошмаслиги зарур [2].

III ва IV Республикаларга нисбатан Миллий мажлис депутатларининг имкониятлари тартибга солинди. Агар III ва IV Республикаларда қуйи палата депутатлари бюджет, иш ҳақи шкаласи, армияда хизмат қилиш муддати ва ҳоказоларни ойлаб, ҳатто кейинги йилда ҳам муҳокама қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар, V Республикада бу муаммо регламентлаштирилди. 1958 йилги Конституция йиллик бюджетни фақат кузги сессияда муҳокама қилиши ва уни 70 кундан ошмасдан қабул қилиши белгилаб қўйган [3].

Агар 70 кун ичида Миллий мажлис бюджетни кўриб чиқишга муваффақ бўлмаса, унда Бош вазир бюджетни Президентга тақдим этади ва Президент ўзининг шахсий фармони остида ордонанс орқали Миллий мажлисни четлаб уни тасдиқлайди, тўғри, бундай ҳолат V Республика тарихида ҳанузгача юз берган эмас.

1958 йилги Конституция фавқулодда сессияларни ўтказиш масаласи бўйича ҳам аниқлик киритди. Бундай сессиялар Бош вазирнинг ёзма баёноти орқали ёки кўпчилик депутатларнинг талаблари асосида чақирилади, аммо Конституциянинг 30-моддасига биноан, Миллий мажлиснинг фавқулодда сессиясини ўтказиш ёки ўтказмасликни Республика Президентининг шахсан ўзи ҳал қилади [4].

V Республика Конституциясидаги яна бир янгилик шундан иборатки, унга кўра, Миллий мажлис депутатлигига ҳар бир партиядан иккита номзод сайланади, яъни асосий депутат ва унинг ёрдамчиси. Бу нарса кўпинча сайлов ўтказишни назарда тутади. Гап шундаки, депутат вафот этса ёки ўз вазифасини ижро этолмаса, шунингдек, у ҳукумат ёки Конституцион кенгаш таркибига кирса, унинг ўрнини ана шу депутат ёрдамчиси эгаллайди. Шундай қилиб, легислатура давомида Миллий мажлис депутатларининг партиявий таркибини ўзгартирмаслик назарда тутилган.

Бир вақтнинг ўзида депутат ҳамда сенатор мэр ёки унинг маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Франция V Республикаси Конституцияси анъанавий тарзда депутатлар ва сенаторларнинг ёш цензини ҳам белгилаб берган. Унга кўра, депутатликка номзод камида 23 ёшга, сенатор эса 35 ёшга тўлган бўлиши лозим. Депутатликка номзод француз фуқароси бўлиши, армияда 18 ой хизмат қилган бўлиши зарур.

Сенат юқори палата ҳисобланиб, Франция ҳудудларининг намояндаларидан иборат. Сенат аъзолари қўшимча тарзда сайланадилар. Сенат 9 йилга сайланиб, ҳар уч йил ичида унинг учдан бир қисми янгиланиб туради. Сенат таркиби 348 тагача бўлиши назарда тутилган [5].

Сенаторларни сайлаш сайлов округлари уч серия: A, B, Сга бўлинган. Олдин А серияга, яъни: сайлов округларидан

сенаторлар сайланиб, уч йилдан сўнг В серияси ва сўнгра С сайлов округидан сенаторлар сайланадилар. Шундай қилиб, бу тартиб навбат билан давом этади.

Французларнинг иборасига кўра, Сенат таркиби "доимий ва абадийдир". Сенаторлар ҳар бир департаментдан унинг сайловчилари миқдорига кўра биттадан то 22 тагача сайланади.

Сенатнинг ички тузилиши: Сенат бюроси ва доимий комиссиялардан иборат бўлиб, улар Миллий мажлис таркиби тарзида тузилган. Миллий мажлисдан Сенатнинг фарқи, унинг легислатура муддати ва Миллий мажлис депутатларидан фарқли ўлароқ, Сенаторларнинг ёрдамчилари йўқ. Сенат раиси Республика Президентидан кейин иккинчи амалдор ҳисобланади. Президент вафот этса ёки истеъфо берса, то янги Республика Президенти сайлангунича унинг вазифасини Сенат раиси, яъни "President par interume" – Президент вазифасини ижро этади. V Республика даврида икки марта шу ҳолат юз берган эди. 1969 йил Шарль де Голль президентликдан истеъфо бергач ва 1974 йил Президент Жорж Помпиду вафот этгач, ҳар икки ҳолатда ҳам Сенат раиси бўлган Ален Поэр икки марта президентлар сайлангунча шу вазифани ижро этиб турди.

Депутатлар ва Сенаторлар сайланганларидан сўнг Миллий мажлис ва Сенатда партиявий фракциялар (гуруҳлар)га бирлашадилар. Фракцияларнинг мавжудлиги санкциялаштирилди ва ҳар бир фракция ўз идора (бюро)ларига эга бўлдилар. Бундан ташқари, уларнинг бино ёки хоналарида қўшимча персонал (парламент котиблари, машинистка-стенографистлар ёки компьютерда ишловчи котиб, котибалар, курьерлар ва ҳ. к.), техника жиҳозлари (транспорт, ёзув машинкаси, компьютер, диктофон, телевизор, қоғоз ва ҳ.к.) ажратилади. Бироқ V Республика Конституциясида кўрсатилишича, Миллий мажлисда фракция ташкил этиш учун мазкур партия депутатлари 30тадан оз бўлмаслиги назарда тутилган. Агар депутатлар сони 30тадан оз бўлса, улар фракция туза олмайдилар ва юқорида айтиб ўтилган хона ёки бино ҳамда персонал ва техника жиҳозларига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар [6].

Фракциянинг парламентдаги роли беқиёс. Фракция ўз раисини сайлайди. Раис ўз фракцияси депутатларини ҳар икки палата раислари билан боғлаб турувчи муҳим звено ҳисобланади.

Анъанага кўра, ҳар бир партия Миллий мажлисда ва Сенатда алоҳида-алоҳида ўз фракцияларига эга.

Легислатура давомида парламент палаталарининг кундалик ишлари, масалан, парламент кун тартиби, нотиқларнинг чиқиш навбатлари, парламент аъзоларининг ҳукуматга мурожаатномалари ва ҳоказолар палаталар раисларининг йирик партияларнинг фракция раислари билан маслаҳатлашувлари асосида амалга оширилади. Фракцияларнинг вакиллари Миллий мажлис ва Сенат ишчи гуруҳларига киритилади. Юқорида айтилганидек, фракция аъзолари Миллий мажлис ва Сенат котибиятига, бюро таркибига ҳамда доимий комиссияларга киритиладилар. Анъанага кўра, палата раислигига энг кўп депутатлик мандатларини қўлга киритган партия фракциясидан номзод сайланади, унинг ўринбосарлари этиб йирик партияларнинг фракция депутатлари сайланадилар.

Фракция раиси Миллий мажлис ёки Сенатда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасини тўхтатиб туришга ҳақли. Бу вақт ичида у ўз фракция аъзолари билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келади ва ўз розилигини билдиради. Ҳар бир партия фракциясида партиявий интизом мавжуд. Унга кўра, яширин овоз бераётганда фракция аъзолари якдиллик билан бир хил овоз

берадилар. Бундай партиялар сирасига голлистлар, коммунистлар, социалистларни киритиш мумкин. Радикаллар, католиклар, кичик партиялар эса ўз партия фракциялари раҳбариятини, уларнинг кўрсатмаларини инкор этишлари мумкин. Бундай ҳодисалар III ва IV Республикаларда одат тусига айланган бўлиб, кўпчилик партияларнинг фракциялар депутатлари фракция раисларининг кўрсатмаларига қарама-қарши иш тутганлар. Бунинг сабаби шундаки, бу депутатлар кичик-кичик партияларнинг депутатлари бўлиб, улар Миллий мажлисга – 5 йил муддатга, Сенатда эса – 9 йилга сайланганлар. Агар бундай депутатлар фракция аъзолигидан чиқарилсалар, улар бошқа фракцияларга қўшилиб кетганлар ёки уларни партиясиз деб ҳисоблаганлар.

Одатда, Миллий мажлис ёки Сенатда муҳокама қилинадиган масалалар то мажлисгача фракциялар йиғинида, коридорларда, парламент буфетларида кенг муҳокама қилинади.

Фракция парламентидаги сессияларда, бошқа ·арб мамлакатлари каби "ёзилмаган қонунлар", анъаналар катта роль ўйнаган. Масалан, Буюк Британияда жамоа палатаси раиси (спикер) жун солинган қопга парик кийиб ўтиради. Фракция парламентида эса олдиндан тайёрланган маъруза асосидаги матндан фойдаланишни эскидан қолган анъана тақиқлайди [7]. Шу билан бир қаторда, француз парламентида парламентаризм учун хос бўлмаган қўпол, беҳаё ибораларни ишлатиш ман этилган.

Ўз навбатида, фракция парламентида ҳам ҳар хил сиёсий ўйинлар учраб туради. Масалан, мажлисда оппозициянинг бирор-бир қарорини ўтказмаслик учун вақтни чўзиш, мажлисга қатнашмаслик (бунинг учун депутат жарима тўлайди) ва шу йўл билан зарур бўлган кворумга эришиш ҳоллари учраб туради. Баъзида фракциябозлик шу даражага етадики, тортишувлар ур-йиқит ва муштлашиш билан тугайди. Ана шундай ҳолларда фақат парламент полицияси аралашиб, бу жанжалга чек қўяди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Франция парламентаризми икки палатага бўлиниб, Миллий мажлис ва Сенатдан иборат. V Республика давомида, яъни 1958 йилдан то бугунги кунга қадар унинг сиёсий тизими Президентлик Республикасидан ярим президентлик, ярим парламентар йўлни босиб ўтди [8].

Ўтган 50 йилдан ортиқроқ вақт давомида француз миллий қаҳрамони Шарль де Голль асос солган V Республика вақт синовидан ўтди ва Францияда демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамияти шаклланмоқда.

Адабиётлар

1. Les Constitutions de la France depuis 1789 P., 1970, P.430-431.
2. Les Constitutions de la France depuis 1789 P., 1970, P.450.
3. В.Г.Сироткин. История Франции: Пятая Республика.– М., 1989. С.99.
4. Les Constitutions de la France depuis 1789 P., 1970.P.
5. Конституция ва парламентлар ҳақида.– Т., 2012. Б.198.
6. Сироткин В.Г. История Франции: Пятая Республика.– М., 1989. С.101.
7. Сироткин В.Г. История Франции: Пятая Республика.– М., 1989. С.102-103.
8. Жўраев Қ. Замонавий сайлов тизимларининг шаклланиши ва ривожланиши (Франция мисолида). – Т., 2009. Б.120.

Э.С. СУЛТАНОВА,
сиёсий фанлари доктори, профессор

МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФИКРЛАШ МАДАНИЯТИ МУХИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Калит сўзлар: *давлатнинг мўътадил ривожланиши, фуқароларнинг сиёсий фикрлаш маданияти, харбий, сиёсий, дипломатик, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий омиллар, Олий Мажлис, 2010 йил Концепцияси, миллий манфаат, демократик янгиланиш ва модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтлари, барча аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимояси, давлат стратегиясида аёлларнинг ўрни, миллий ғоя, ижтимоий ҳамкорлик, сайлов кампанияси, электорат, ошкораликка асосланган сайловлар, сиёсий партиялар фаолияти, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ.*

* * *

В статье обращается внимание на важность формирования культуры политического мышления граждан в обеспечении стабильного развития страны. Вместе с тем, анализируется формирование культуры политического мышления граждан, их участие в качестве рядовых представителей электората, членов партий, их фракций на уровне Законодательной палаты, Сената парламента страны, участие в избирательных кампаниях, высказывание своей точки зрения в рамках деятельности того или иного ННО, СМИ, Экологического движения и других институтов гражданского общества.

Ключевые слова: *стабильное развитие страны, культура политического мышления гражданина, независимое государство, военные, политические, дипломатические, экономические, духовно-нравственные факторы, Олий Мажлис Республики Узбекистан, Концепция 2010 года, национальный интерес, процессы демократического обновления и модернизации, институты гражданского общества, социальная защита всех категорий населения, женщины в стратегии государства, политическая, правовая культура, политическая социализация граждан, национальная идеология, социальное партнёрство, избирательная кампания, электорат, свободные выборы, обеспечение транспарентности, деятельность политических партий, ННО, СМИ.*

* * *

The article draws attention to the importance of creating a culture of political thinking citizens in ensuring sustainable development of the country. However, analyzes of building a culture of political thinking citizens, their participation as representatives of ordinary voters, party members, their factions at the Legislative Chamber and the Senate of the Parliament of the country, participation in election campaigns, saying his point of view in the framework of the activities of a NGO, media, the Environmental Movement and other civil society institutions.

Keywords: *sustainable development of the country, the culture of political thinking citizen, an independent state, military, political, diplomatic, economic, spiritual and moral factors, the Oliy Majlis, Concept 2010, the national interest, the processes of democratic renewal and modernization, civil society, social protection for all categories of the population, women in the strategy of the state, political, legal culture, political socialization of citizens, national ideology, social partnership, the election campaign, the electorate, free elections, transparency, political parties, NGOs and the media.*

«Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жахон ҳамжамиятида ўзига уносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин». [1]

Ислом Каримов

Мамлакатнинг ҳар томонлама барқарор ривожланишида кузатиладиган ҳарбий, сиёсий, дипломатик, иқтисодий, маънавий, маърифий ва ҳоқазо омиллар, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади. Булар орасида, фикримизча, инсонларнинг замонага мос равишда сиёсий фикрлаш маданияти алоҳида ўрин тутади. Бунинг асосий мазмуни - фуқароларнинг дунёда ва давлатда кечаётган жараёнлардан хабардор бўлиш билан бир қаторда, муайян позицияга, шунингдек, ўз мустақил фикрига эга бўлишларидан иборат. Бу позиция, авваламбор, у ёки бу даражадаги сиёсий билимлардан келиб чиқади. Энди ўйлаб кўрайлик-чи, фуқароларимиз бу борада зарур бўлган барча маълумотларга эгами? Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлар эканмиз, 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларини юқори баҳолаб туриб, ютуқлар билан биргаликда олдимизда турган қатор вазифаларимизга ҳам яна бир бор назар ташлаб қўйишимиз даркор.

Маълумки, 1991 йили биз «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини танлаб олдик ва бу борада барча масалаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва бошқа қатор ҳуқуқий нормаларга асосланиб, ҳал қилмоқдамиз. Жумладан:

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштирмоқдамиз;
- Иқтисодиётни мафкурадан холи қилиб, унинг сиёсатдан устунлигини таъминламоқдамиз;
- Қонун устуворлигини барча соҳаларда таъминлашга интилмоқдамиз;
- Кучли ижтимоий сиёсатни олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз;
- Барча ижтимоий гуруҳларларга эътибор қаратмоқдамиз. «Бугун давлатимизда ҳар бир инсон фаровон яшаши учун керакли шарт-шароитга эга. Энг аввало, имтиёзлар аёлларга қаратилган. Аёллар манфаати давлат стратегиясида муҳим омил сифатида баҳоланмоқда, чунки улар, аввало, оналар сифатида нафақат бугунги кун авлодини, балки эртанги комил ва баркамол шахсларни дунёга келтириб, тарбиялайдилар» [2].

«Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва

ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кенг кўламли ишларимизда кўрмоқдамиз» [3];

- Серқирра сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз;

- Халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз;

- Миллий манфаатларимизга мос келадиган ташқи сиёсатни олиб бормоқдамиз;

- Энг асосийси, биз ислоҳотларни инқилобий йўл билан эмас, балки тадрижий, босқичма-босқич равишда амалга оширишга, шунингдек, жамиятимиз ва давлатимизни турли хил ижтимоий, сиёсий тўфонлардан асраб, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга интилмоқдамиз. Бу орқали ҳар бир фуқаро онгида олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар пухта ўйланганлигига иқрор бўлиб, халқимизнинг тинчликсевар, фаол бўлишига замин яратмоқдамиз ва, айни пайтда, ёшидан, жинсидан, миллатидан ҳамда эътиқодидан қатъи назар, демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларига доир сиёсий фикрлаш маданиятини шакллантирмоқдамиз.

- Бугунги кунда давлатимизда очиқ ва эркин сайловлар бўлишига замин яратилди. Сайлов тизимида миллий тажриба ва умумэътироф этилган халқаро нормалар инобатга олинмоқда. Фуқаролар барча сайлов ҳуқуқларига эгадирлар, шу боис, онгли равишда давлатимиз келажагини ҳал қиладиган жараёнларда фаол бўлишга интилмоқдалар.

Энди савол туғилади, нима учун жамиятда фуқароларнинг фаоллиги зарур?

Фикримизча, қачонки инсон фаол фуқаро сифатида давлатда бўлаётган ислоҳотларга холисона, илмий ёндашиб, ватанпарварлик туйғуси билан баҳо бера олса ва керакли даражада сиёсий онг, сиёсий билимларга эга бўлсагина, давлат олдида турган вазифаларни онгли равишда тушунишга ва амалга оширишга қодир бўлади,натижада жамиятда тинч, барқарор ҳаёт ўзини ифодасини топади.

Маълумки, инсондаги сиёсий онг, сиёсий фикрлаш маданиятининг асосини сиёсий маданият ташкил қилади.

Келинг, бу тўғридаги мавжуд назарий билимларни ёдга олсак. Авваламбор, айтиш жоизки, «сиёсий маданият» - бу жамиятдаги маънавий ҳаётнинг таркибий қисмларидан биридир. «Маънавият» сўзи эса мазмунан «маънолар мажмуи»ни англатиб, фуқароларда, юртбошимиз айтганларидек: «Адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу-диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб қолади. Одатда, маънавиятли кишилар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларда онгли равишда қатнашади».

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ҳокимиятни амалга ошириш механизмлари ичида сиёсий маданият етакчи ўринни эгаллайди. У шахс ички эркинлигининг ўлчови бўлиш билан бир вақтда, унинг фуқаролик позициясини белгиловчи муҳим мезонлардан бири ҳамдир.

Сиёсий маданият — бу фуқароларнинг сиёсий билимлари, баҳолари ва хатти-ҳаракатларининг даражасидир. Шунингдек, у сиёсий муносабатларни бошқарувчи, ижтимоий қадриятлар, анъаналар, қоидаларнинг мазмуни ва сифатидир. Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг амалий қисмини ташкил этади ва қатор хусусиятларга эга. Сиёсий маданият, бир томондан, сиёсатнинг туб манфаатларини ифодалайди, шу билан бирга, у оммавий онгни кўрсатувчи омил ҳамдир.

Сиёсий маданият тўғрисида 40 дан зиёд таърифлар ва турли назариялар

мавжуд бўлиб, қуйида уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз. Америкалик олим С. Верба нуқтаи назаридан, сиёсий маданият сиёсий тизимнинг элементи сифатида «сиёсатнинг субъектив йўналишини» таъминлайди ва, бинобарин, у ўз таркибига «эмпирик эътиқодлар, экспрессив тимсоллар ва қадриятларни» қамраб олади.

Британия ижтимоий антропология мактабининг йирик вакилларидан бири Б.Малиновскийнинг фикрига кўра, ҳар бир маданият тақдирида у ёки бу ижтимоий институтнинг ўрни ва аҳамияти муҳимдир.

Сиёсий маданият тўғрисида А.Липсет, Л.Пай, М.Дюверже, М.Крозье, Д.Каванах каби хорижий олимлар ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Ўзбекистонлик олимларга келсак, улар орасида қуйидаги фикрлар мавжуд.

Маданият анъанавий жамиятда амалга оширувчи ижтимоий назорат усули демакдир, деб ҳисоблайди олим М.Абдуллаев. Унинг фикрига кўра, маданиятнинг борлиги, аввало, жамиятда инсонпарварлик, фаолият ва қадрият борлигидадир.

Х.Т.Одилқориев ва Ш.Г. Ғойибназаровларнинг фикрларига кўра: «Сиёсат таркибида инсоний муносабатларнинг айрим маданий элементлари бўлиши мумкин. Сиёсатнинг «маданийлиги» одамлар ўртасидаги оммавий ҳокимият институтларидан фойдаланишга доир муносабатларнинг расмийлиги ва меъёрланганлигида намоён бўлади»[4].

М. Киргизбоевнинг фикрига кўра: «Кишилар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалиётда иштирок эта бошлагандагина уларда сиёсий маданият куртак отиб боради... Ҳеч бир инсон якка ўзи ҳаракат қилиб, ўзининг моддий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатларини ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини қўлга киритолмайди. Бу манфаат ва ҳуқуқлар бирон-бир жамоат ташкилоти воситасидагина қондирилади. Шу сабабли ҳам сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг мақоми ҳар бир демократик давлатда юқори даражага қўтарилган»[5].

Демак, жамоада фаоллик юксак даражада бўлиши мумкин ва лозим.

Сиёсий маданиятга доир бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Юқоридаги назарияларни рад этмаган ҳолда, уларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни билдирсак.

Сиёсий маданият сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. У орқали биз жамиятнинг нақадар ривожланганганлиги тўғрисида хулоса қила оламиз. Сиёсий маданиятни акс эттирадиган белгилар қуйидагилардан иборат: инсоннинг сиёсий онги, сиёсий хулқи ва қарашларининг замонага мослиги, давлатдаги мавжуд қадриятлар, фуқароларнинг давлат рамзларини билиши ва ҳурмат қилиши, қабул қилинаётган давлат дастурларига, давлатнинг стратегик вазифаларига, Мустақиллик кунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган байрамларга Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан олиб борилаётган фаолиятга, жумладан, сайловолди кампанияларида сиёсий партияларнинг оддий фуқаролар билан олиб борилган учрашувлар мазмунини, улардаги парламентда аёлларга ажратилган 30 фоиз квотанинг нақадар зарурлигини тушуниши, давлатда фаолият кўрсатаётган турли фуқаролик институтлари, жумладан, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, Хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамоат фондлари, турли оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир замонавий муносабат, улар орасидаги ижтимоий ҳамкорлик ва ҳ.к.лар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоннинг сиёсат ва ҳокимият ҳодисаларига нисбатан шахсий муносабатини ифодалаш ва баҳолаш энг

аҳамиятга молик ҳодисадир. Бундай муносабатнинг мавжудлиги инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг қадриятларга доир муносабатлари турлича шаклда рўй бериб, сиёсий маданиятнинг муҳим мазмунини тавсифлаб беради.

Сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги тасаввуридир. Шу маънода, сиёсий маданият жамият аъзоларининг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намойиш қилади. Сиёсий маданият инсоннинг жамиятда мавжуд бўлган сиёсий тажриба ва анъаналарни ўзлаштириш даражаси ҳам бўлиб, унинг қўлланиши эса сиёсий ҳаётдаги барқарорсийликни таъминлаб бера олади.

Сиёсий маданият ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, балки у фақат жамият аъзоларининг ижтимоийлашуви ва камолотга эришуви жараёнида шаклланади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир инсон сиёсий маданият ташувчиси ҳам ҳисобланади ва, шу сабабли ҳам, сиёсий маданият - сиёсий тизимнинг умумлаштирувчи, бирлаштирувчи қисми деб қаралади. Сиёсий маданият - бу муносабатлар тизими ва, айни пайтда, авлодлар алмашинуви натижасидир. Сиёсий маданият ҳамиша ривожланиб борувчи динамик ҳодисадир. Унда умумий, субмаданият ва контрмаданиятлар баравар акс этиб боради.

Демократиянинг ривожланишида ҳам сиёсий маданият муҳим ўрин тутади. Бу борада шуни қайд этиш лозимки, қачонки инсон дунёқараши кенг бўлса, у ҳуқуқий билимларга интила бошлайди. Одатда, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги - жамиятни демократлаштиришнинг асосий кафолатларидан биридир. Умуман олганда, демократияни табиий равишда ривожлантириш учун фуқароларнинг умумий ҳамда ҳуқуқий маданият даражаси юқори бўлиши лозим. Аниқроғи, демократик жараён билан инсоннинг маданиятлилиги ўртасидаги мувозанат доимий характерга эга бўлиши керак. Фақат юксак маданиятгина жамиятни ҳақиқий демократик ривожланишга олиб келади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу жараёнлар инқилобий эмас, балки тадрижий, табиий йўл билан бўлиши мақсадга мувофиқдир. Натижада, ислоҳотлар босқичма-босқич олиб борилади ва оддий фуқаролар секинаста уларнинг мазмун- моҳиятини англайдилар.

Сиёсий маданият тўғрисида фикрлашда давом этар эканмиз, айтиш лозимки, сиёсий маданият ижтимоий онгнинг кўринишларини, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан алоқадор бўлган маданиятини ҳам ўз ичига олади.

Сиёсий маданият сиёсий жабҳадаги хулқ-атвор меъёрлари ва хатти-ҳаракат қоидаларини ҳам белгилаб беради. Сиёсий маданият алоҳида олинган ҳар бир кишига, муайян жамоага сиёсий хулқнинг зарурий тамойилларини сингдиради. Шунингдек, у сиёсий хулқ, сиёсий меъёрлар ва юқори мақсадларнинг етакчи тамойилларини ҳам ўзида ифода этади.

Сиёсий маданиятни умуммиллий маданият билан чамбарчас боғлиқ тарзда тушуниш хам керак. Чунки сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Миллий маданият маълум даражада сиёсий эътиқод тизими ва сиёсий маданиятнинг шаклланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият узоқ йиллар ва авлодлар алмашинуви натижасида ташкил топган сиёсий анъаналар, сиёсий амалиёт меъёрлари, ғоялар, турли ижтимоий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир концепциялар ва эътиқодларни ҳам ўз ичига олади. Сиёсий маданият кишиларнинг ўзлари яшаётган мавжуд тизимга, ундаги ин-

ститутлар, хатти-ҳаракатлар, қоидаларга, муайян шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларига нисбатан шаклланган интилишлар ва кўрсатмаларни ҳам ўзига қамраб олади. Сиёсий маданиятнинг бу хусусияти ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий, ижтимоий-тарихий ва бошқа омиллардан келиб чиқади.

Сиёсий маданият маълум даражада ўзи таркиб топган ижтимоий шароитлардан мустақил бўлишига қарамасдан, улар таъсирида, оммавий меъёрлар ва хулқ намуналари асосида давлат, миллат, қатлам ва бошқа сиёсий субъектлар учун ҳам умумий, ҳам гуруҳий мазмунга эга бўлиб, уларнинг ички сифатларини шакллантиради.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий маданият ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд.

Сиёсий маданиятга эга бўлмасдан, жамиятда содир бўлаётган сиёсий жараёнларнинг харакатлантирувчи кучини англаш қийин. Сиёсий маданият ижобий мазмундаги цивилизациялашган сиёсий жараёнларнинг ривожланиши учун етарлича имконият яратиб, жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг хулқ-атворини белгилаб беради. Айни пайтда, сиёсий маданият жамиятда фуқароларнинг турмуш тарзи ва интилишларида янгиликлар ҳосил бўлишига шарт-шароит яратувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи “ижтимоий иқлим”-нинг ажралмас ва муҳим қисми ҳисобланади.

Одатда, ҳар томонлама ўқимишли,-даврга мос фикрлайдиган, замонавий шахс сиёсий ҳаётнинг асосий шаклларини, жамият ҳаётида юзага келиб қоладиган сиёсий муаммоларнинг моҳиятини ўзига ва.атрофдагиларга тушунтира билиб, ижтимоий ҳаётда аввало ўзи онгли равишда фаолият кўрсата олади ва бошқаларни ўзига эргаштира олади. Масалан, Ўзбекистонда мустақилликка эришиш остонасида мавжуд бўлган айрим муаммоларга ёшларимизнинг диққатини қаратсак. Улар буни билишлари, таҳлил қила олишлари, эсда тутишлари лозим. Шундагина тўғри, объектив сиёсий фикрлаш маданияти ҳосил бўлади. Улар тўғрисида юртбошимиз И. Каримов 1990 йили 5 июнда шундай деган эди:

«Ижтимоий-сиёсий соҳада. Қайта қуриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва сафсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас...

Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва қадр-қимматининг кафолатлари бузилмоқда...

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахвол ёмонлашиб бормоқда. Меҳнат унумдорлиги, миллий даромад пасаймоқда...

Маданий-маънавий турмушда қадрсизланиш рўй бермоқда: омма сиёсатга кўпроқ қизиқиб, унинг фаоллиги ошиб бориши билан бирга, жамиятнинг ғоявий ва ахлоқий негизларини бузишга, умуминсоний қоидалар ва миллий қадриятларни менсимасликка уриниш ҳоллари кам эмас.

Ижтимоий ва миллатлараро можаролар қалтис тус олди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби, республикамиз меҳнаткашлари ҳам мана шу бузғунчилик жараёнларидан ташвишга тушмоқдалар...»[6]

Фикримизча, ушбу мустақиллик арафасида мавжуд бўлган ижтимоий қийинчиликлардан, муаммолардан ёшларимиз қанчалик хабардор бўлса, мустақил давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг қадрига етиб, бундай амалларнинг нима учун керaклигини шунчалик чуқур англаб етадилар ва уларга муносиб равишда баҳо бериб, фаоллаша борадиган, давлатимизга кириб келаётган турли заҳарли фикрлар, оқимларга зарба беришга қодир бўладилар, бу эса, ўз навбатида, мам-

лакатни барқарор тараққий эттиришга, фуқароларнинг сиёсий ижтимоийлашув жараёнига дадил кириб боришига олиб келади ...

«Шахснинг ижтимоийлашуви» деганда биз фуқароларнинг ижтимоий муҳит таъсири остида шахс сифатида шаклланишини тушунамиз. Ижтимоийлашув деганда, шахснинг ўз ҳаёти мобайнида ўзига тегишли бўлган жамиятнинг ижтимоий меъёрлари ва маданий қадриятларини онгли равишда ўзлаштириши тушунилади. Бу жараён, аввало, инсоннинг жамоат ишларида, у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида қатнашиши орқали шаклланади. Ҳозирги жамиятда сиёсий муносабатларнинг мураккаблашуви шунга олиб келдики, инсоннинг сиёсатга кириб келиши, унинг бугунги сиёсий тизимда кечаётган жараёнларда ўз ўрнини топиши билан боғлиқ. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, жамиятдаги сиёсий тажрибанинг мақсадлари ва қадриятлари бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиши ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди.

Инсоннинг сиёсий ижтимоийлашувида мафкура катта роль ўйнайди. Мафкуравий таъсир, энг аввало, шахслараро муносабатларда, оила, ўқув юрти, меҳнат жамоаси, турли фуқаролик институтларида олиб борилаётган фаолият орқали амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Унда байрамни кўтаринки руҳда ўтказишни, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори асосий ғоя бўлиши, муайян дастур ишлаб чиқилиши таклиф этилди. Дастурга фуқароларга мустақилликнинг мазмун-моҳиятини очиб кўрсатишга алоҳида урғу берилди. Жумладан, дастурда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

- Мустақиллик - бу аввало, ҳуқуқ эканлиги, у орқали фуқаролар миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги;

- Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли - ўзбек моделининг энг тўғри йўл сифатида танлаганлиги эканлиги;

- Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» эканлиги;

- Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини ёритиб бериш;

- Мустақилликнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим стратегик дастурлар бўйича, жумладан, иқтисодиётимизнинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация каби етакчи соҳаларининг модернизация қилиниши тўғрисида;

- Истиқлол йилларида бой тарихимиз, меросимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизнинг қайта тикланган тўғрисида;

- Юртимизда мустақил давлат барпо этилиши тўғрисида;

- Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини, мактаб таълимини ривожлантириш бўйича давлат умуммиллий дастури ва бошқа ижтимоий дастурлар таҳлилини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига кенг миқёсда тушунтириш;

- Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиши;

- Келажак авлод ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук бўлиб улғайиши борасида кўрсатилаётган эътиборнинг яққол тасдиғини тушунтириб бориш;

- Мамлакатимиздаги шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан йилга обод ва гўзал бўлиб бораётганлигини намоён эта олиш;

- Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

1. Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блоклардан узоқ бўлиши;

2. Давлатимизнинг ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслиги;

3. Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсат тўғрисида кенг оммага аниқ маълумотлар етказиш ;

4. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини сақлашда, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш мактабига айлангани, халқ ва армия бирлиги тўғрисида ҳаётий мисолларда тарғиб эта олиш. [7]

Фикримизча, юртдошларимиз истиқлол туфайли қўлга киритган барча ютуқларимиздан нафақат хабардор бўлишлари, балки улар билан ғурурланиши лозим. Шундагина давлатимизда, жамиятимизда барқарорлик, тинчлик, хотиржамлик, осойишталик бўлади. Бу - бизнинг мафкурамизнинг негизи.

Мафкурасиз, маълумки, ҳар қандай жамият ёки давлат таназзулга юз тутиши муқаррар. Асосий ижтимоий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларни мафкура воситасидагина ҳосил қилиш мумкин. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур бўлиб, жамият аъзоларининг манфаатларини ифода этади, миллатни бирлаштиради. Миллий мафкура орқали халқ бирлашади, ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришга қодир бўлади.

… Миллий ғоя, миллий мафкура қандай талабларга жавоб бериши ва ўзида нималарни мужассамлаштириши зарурлиги тўғрисида Республикамиз Президенти И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қуйидаги сўзлар билан баён этган: «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол …

Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган,тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис, ютртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак...

Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир

жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини,шу билан бирга дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин»[8].

Ҳар қандай давлат ўз миллий ғоясига таяниши лозим, зеро давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аниқ ифодаланган мафкура асосида қурилади.

Фуқароларнинг онгли равишда давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда қатнашишдаги муҳим роли уларнинг барча фуқаролик институтлари билан ҳамкорликда иш олиб боришларидир. Бу борада 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик» тўғрисидаги қонуни муҳим аҳамият касб этади. Қонуннинги 3-моддасида айтилганидек: «Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларига даҳлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.» Қонуннинг 4-моддасида ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари кўрсатилди. Булар: қонунга бўйсуниш, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик ва шаффофлик, ҳаммабоплик, мустақиллик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги. Муҳими шундаки, ижтимоий шерикликнинг соҳалари турлича. Улар Қонуннинг 5-моддасида қуйидагича акс эттирилган:

-Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- Аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;

- Атроф-муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

- Ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

- Оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

- Миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик анъанавий, маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий, маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;

- Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. [9]

Айни пайтда, давлатнинг барча фуқаролик институтлари билан ҳамкорлиги, жамиятда ижтимоий шерикликнинг шаклланиши туфайли бугунги кунда демократик асоси очиқ ва эркин сайловлар 21декабрь 2014 йилда бўлиб ўтди. Эндиликда, фуқароларнинг сиёсий фикрлаш маданияти яна бир омилга Ўзбекистонда бойиди. Сайлов олди оммавий ахборот воситалар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси расмий равишда қуйидагиларни баён этди :

- Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлай-

диган сайлов тизими яратилди ва ривожланмоқда;

- Сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилди, улар миллий тажриба ва умумэътироф этилган халқаро нормаларни ўз ичига олган;

- Сайловлар очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилмоқда;

- Барча сиёсий партиялар ва харакатлар, яъни «Тадбиркорлик ва ишбилармонлар харакати», «Ўзбекистон Либерал-демократик партияси», «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди;

- Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларидан фойдаланишларига кўмаклашишга катта аҳамият берилади;

- Фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик қоидасини изчил ва сўзсиз амалга ошириш зарурлиги қайд этилган. Ҳеч ким сайлов жараёнига аралашиши мумкин эмас;

- Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари фуқаролик институтларидан бири сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Улар демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, уларнинг ўз фикр ва ғояларини, ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиш имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, ўз ҳохиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари ошкоралигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади;

- Оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда муҳим восита бўлиб, фуқаролик жамиятининг сайловда фаол иштирок этишда жиддий таъсир кўрсатади. [10]

Ҳақиқатан, яқинда бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистонда фуқароларнинг парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлашдаги иштироки эркинлигига жавоб бергани, миллий сайлов қонунчилиги халқаро демократик тамойилларга, стандартларга мос бўлганлиги, сиёсий партияларни ўзаро рақобатда қонунийлик, ошкоралик асосида беллашганлиги, парламент сайловида иштирок этган депутатликка номзодларнинг 31 фоизини хотин-қизлар ташкил қилгани, чет эл ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг сайлов ҳақида холисона маълумот бериб турганлиги, беш халқаро ташкилотлар, 300та чет эл эксперт кузатувчилари бўлгани ва, энг асосийси, барча фуқароларнинг мамлакатимиздаги ушбу сиёсий ижтимоий ҳаётдаги муҳим воқеага ўз Ватани келажаги билан боғланганлигини ҳис этишларини намоён этди.

Мавзуимиз бўйича қўйидаги хулосаларни билдирсак.

- Ҳар бир давлатнинг асосий мақсади: тинчлик, осойишталик, барқарорлик. Буларни нафақат давлат органлари ва ташкилотлари, балки барча фуқаролик институтлари, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлари ва ҳар

бир оддий фуқаро чуқур англашлари лозим;

- Сиёсий фикрлаш маданиятини мавжудлигини намоён этадиган омиллар:

1. Давлатда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислоҳотлардан фуқаролар кенг ва тўлақонли хабардор бўлишлари;

2. Ҳар бир инсон фуқаро сифатида сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан барча жараёнларга объектив баҳо бера олиши;

3. ОАВларда берилаётган маълумотларнинг имкон қадар давлатнинг миллий манфаатилари нуқтаи назаридан берилиши, мутахассислар томонидан фуқароларга тушунтирилиши;

4. Миллий мафкурани тарғиб этишда халқ менталитетининг инобатга олиниши;

5. Фуқароларнинг мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ позицияга эга бўлишлари;

6. Мамлакатнинг барқарор ривожланишида давлат ва барча нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти жамият аъзоларининг сиёсий ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилганлиги.

Фуқароларимизда ушбу омиллардан мавжуд бўлган сиёсий фикрлаш маданиятининг шакллантириш-мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашга янги бир замин бўлиши мумкин.

Адабиётлар.

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т., 2008. - Б. 16.

2. Султанова Э. Обод турмуш яратишда аёлларнинг ўрни. Обод турмуш ва фаровон ҳаётни таъминлашда хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги муҳим омил. Илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2013. - Б. 60.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 13. 06. 2013

4. Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Г. Сиёсий маданият. - Т., 2004. - 28 б.

5. Киргизбоев М. Сиёсатшунослик. - Т., 2013. - 477 б.

6. Каримов И. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан./ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 163-164.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. 13.06.2013. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

8. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.:Маънавият, 2008. - Б.113, 118 – 119.

9. “Ижтимоий шериклик тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2014 йил 25 сентябрь.

10. ЎзА. Очиқ ва эркин сайловлар-демократия асоси. Мирзоулуғбек Абдуса-

Ш.М. Йигиталиев,
тадқиқотчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Калит сўз ва иборалар: *ташқи сиёсат, дипломатия, халқаро муносабатлар, халқаро хавфсизлик, миллий манфатлар, миллий хавфсизлик, барқарор тараққиёт, тинчликпарвар тамойиллар, Ўзбекистон, Марказий Осиё, Афғонистон, геополитика, доктринал қарашлар, методология.*

* * *

Востребованность и своевременность разработки и принятия «Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» обусловлены вступлением нашей страны на новый этап независимого развития в условиях глубокой и динамичной трансформации современной системы международных отношений.

В данном концептуальном документе, разработанном по инициативе и под руководством Президента И. А. Каримова, отражена единая система взглядов, определяющих фундаментальные принципы и стратегические приоритеты внешней политики государства, цели и задачи на международной арене, механизмы продвижения национальных интересов Узбекистана на средне- и долгосрочную перспективу.

Ключевые слова и выражения: *внешняя политика, дипломатия, международные отношения, региональная безопасность, национальные интересы, стратегические приоритеты, устойчивое развитие, доктринальные взгляды, миролюбивые принципы, геополитика, Узбекистан, Центральная Азия, Афганистан, методология.*

* * *

The Concept of the foreign policy activity adopted in 2012 was a timely message to the international community and a response to various speculations about Tashkents foreign policy strategy. Uzbekistans foreign policy concept is based on the principles of peaceful solutions of international problems and conflicts, balanced pragmatism, mutual benefit and strong defense of its national interests. It is based on an objective analysis of the current realities and deep century-old values of peace and pragmatism. This conceptual paper represents an approved system of fundamental views on the principles, approaches, aims, priorities and tasks of foreign policy for the Republic of Uzbekistan in the context of dynamic changes in the region of Central Asia and beyond.

Keywords: *foreign policy, diplomacy, international relations, regional security, national interests, strategic priorities, sustainable development, doctrinal views, peace-loving principles, geopolitics, Uzbekistan, Central Asia, Afghanistan, methodology.*

Давлатимизнинг ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасидаги фаолиятининг концептуал асослари асрлар оша шаклланиб, бугунги истиқлол даврида тобора сайқал топиб келмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси”нинг яратилиши ва амалиётга жорий этилиши мана шу изчил жараённинг муҳим бўғинларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг концептуал асослари мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизда янги – озод ва обод Ватан қуриш борасидаги қарашларида, стратегик дастурларида ишлаб чиқилган ва фундаментал асарларида атрофлича асослаб берилган [1]. Бу қарашлар, айтиш мумкинки, халқимизнинг асрий қадриятларини ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган жараёнлар ва мустақил Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари билан уйғунлаштириш асносида шаклланган.

Давлат мустақиллиги ва суверенитетининг, унинг ҳудудий яхлитлигининг дахлсизлиги, миллий манфаатларнинг устуворлиги, прагматизм ғояларига асосланган фаол ва изчил ташқи сиёсат юритиш, умуминсоний қадриятларга таяниш, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик, манфаатлар муштараклиги, давлатлараро муносабатларда мафкурадан холилик, ички ишларга аралашмаслик каби тамойиллар мамлакатимизнинг шу кунгача олиб борган ташқи сиёсати ва дипломатиясининг асосий концептуал илдизини ташкил этиб келган. Истиқлолнинг ўтган 20 йилдан ошиқроқ даври мобайнида мана шу тамойиллар негизида шаклланган ташқи сиёсат ва дипломатия Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида қад ростлашини ва мамлакатимизнинг дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлади, шунингдек, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ҳам мустаҳкамлади.

Ҳозирги даврга келиб эса, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида янги босқичга кўтарилмоқда: истиқлолнинг учинчи ўн йиллиги бошланди. Янги босқичда янги марраларни эгаллаш вазифаси мамлакатимизда ва халқаро майдонда юз бераётган туб ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, давлатимиз ташқи сиёсатининг концептуал асосларини янада такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, 2012 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов XXI асрнинг халқаро жараёнлар тинимсиз ўзгариб бораётган шароитида мувозанатли ва, айни вақтда, фаол, ҳамда собитқадам ташқи сиёсат стратегиясини амалга ошириш бўйича доктринал ҳужжат ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Президент ташаббуси ва раҳнамолиги остида “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” (*кейинги ўринларда*–Концепция) ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида тегишли давлат органлари, вазирлик ва идоралар, академик ва илмий-тадқиқот марказларининг вакиллари ҳамда мутахассислари иштирок этдилар. Ҳужжатни тайёрлашда ташқи сиёсий фаолият соҳасидаги назарий билимлар ва амалий тажриба умумлаштирилди. Халқимизнинг ташқи алоқалар соҳасида асрлар мобайнида шаклланган қадриятлари ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг амалий ва назарий тажрибаси инобатга олинди. Мамлакатимизнинг халқаро муносабатларга оид қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари яна бир бор қайта кўриб чиқилди. Халқаро майдонда ва минтақамизда вужудга келаётган вазият, мамлакатимиз ён атрофида шакл-

ланаётган мураккаб геосиёсий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Марказий Осиёнинг хавфсизлик ва барқарор ривожланишини таъминлаш каби долзарб масалалар таҳлил қилинди, Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи-назаридан экспертизадан ўтказилди.

Концепцияда Истиқлолнинг илк йилларидан бери мамлакатимизнинг халқаро муносабатларида амал қилиб келаётган асосий тамойиллар мустаҳкамланди ва уларга қўшимча тарзда ташқи сиёсий фаолиятга оид янги принципиал қоидалар ҳам белгилаб олинди. Бу янги жиҳатлар ўтган 20 йилдан ошиқроқ давр мобайнида тўпланган тажрибага таяниб, бугунги дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Натижада, давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишлари, халқаро майдондаги мақсад ва вазифалари, миллий манфаатлари ва уларни илгари суриш механизмларини белгилаб берувчи ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган қарашларнинг яхлит тизимини ўзида мужассам қилган янги ҳужжат – "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси" тайёрланди.

Ушбу ҳужжатга қонуний куч бериш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва давлат раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси сифатида мамлакат парламентига тақдим этилди.

Концепциянинг асосий ғоялари оммавий ахборот воситаларида чоп этилди, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли қўмиталарида муҳокамадан ўтказилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида маъқулланди ва Сенатда тасдиқланди [2]. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2012 йилнинг 10 сентябрида "№ ЎРҚ-330" рақами остида қонун сифатида имзоланди. [3]

Концепция мазмунан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва миллий қонунчилигига, "Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га асосланади, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва бошқа тегишли халқаро ҳужжатларга мос келади.

Концепцияда дунёдаги халқаро муносабатларнинг бугунги аҳволига, жаҳон аренасида кузатилаётган мегатрендлар ва туб ўзгаришларга кенг қамровли тавсиф берилган. Жумладан, глобаллашув жараёни изчил ва орқага қайтариб бўлмас хусусият касб этгани таъкидланар экан, унинг, *бир томондан*, давлатларнинг ривожланиши учун қулай имкониятлар очиб бериш, *иккинчи томондан эса*, иқтисодиёт, энергетика, экология, озиқ-овқат билан таъминлаш, ахборот алмашиш, гуманитар хавфсизлик соҳаларида турли хавф-хатарлар туғдираётгани эътироф этилган.

Дунё иқтисодиётида ва сиёсий аренасида Осиё давлатларининг ўрни ва роли ўсиб бораётгани эътиборга олинган. Иқдисодий масалалар, модернизация жараёнлари бутун жаҳонда устувор аҳамият касб этаётгани таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, халқаро ва минтақавий хавфсизликка рахна солаётган анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларнинг турлари кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолаётгани, дунёнинг бизга яқин бўлган муҳим минтақаларида янги қуролли можаролар ва қирғинбарот низоларга

олиб келувчи вазиятларнинг кўпайиб бориши каби салбий омиллари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган.

Концепцияда Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилган ва биринчи бор бундай доктринал ҳужжатда "Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари шу минтақа билан боғлиқ" эканлиги белгилаб қўйилган. Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал-хомашё ресурсларининг улкан захираларига эга эканлиги туфайли жаҳон миқёсида кучли эътибор объектига ҳамда йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб бораётгани таъкидлаб ўтилган. Йирик давлатлар Марказий Осиё давлатларининг ўз ривожланиш модели ва сиёсий йўлини белгилашига таъсир ўтказишга уринаётгани, минтақада ўз мақсадларини кўзлаётган ташқи кучларнинг ўзаро рақобати кучайиб бораётгани кўрсатилган. Концепцияда дунёнинг йирик давлатлари томонидан минтақада олиб борилаётган ўзаро геополитик рақобат инобатга олиниб, "Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур", деган позиция баён этилган.

Ҳужжатда минтақадаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳамон ҳал этилмай келаётганига алоҳида урғу берилган. Миллионлаб кишиларнинг соғлигига, аҳоли генофондига оғир зиён етказаётган мураккаб экологик муаммолар, хусусан, Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатлари, катта корхоналарнинг саноат оқавалари ва чиқиндилари трансчегаравий сув ресурсларини ифлослантириши ва атроф-муҳитни заҳарлаши–буларнинг бари Марказий Осиёнинг фаровонлиги ва барқарор тараққий этиши учун тобора хавфли омил тусини олиб бораётгани алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, минтақада очиқ денгиз ҳавзаларига чиқишга имкон берувчи транспорт-коммуникация инфратузилмасининг чекланганлиги ва уни таркибида бир-бирининг ўрнини боса олувчи муқобил йўналишлар тизими йўқлиги Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсиш истиқболларига салбий таъсир ўтказаётганига жиддий эътибор қаратилган.

Қўшни мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнлари ҳали ҳам тугалланмагани Марказий Осиёдаги вазиятнинг мураккаблашувига олиб келаётгани ҳамда чегарадош давлатлар орасида айрим масалаларни, жумладан, уларнинг хўжалик субъектлари ўртасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида қийинчиликлар туғдираётгани эътироф этилган.

Концепцияда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги минтақасида давлатлараро супранационал иттифоқлар тузишга, хусусан, давлатлар суверенитетининг маълум қисмини интеграцион тузилмалар қўлига ўтказишга қаратилган ҳаракатлар фаол тус олаётгани қайд этилган. Мазкур "интеграцион" ташкилотлар иқтисодий манфаатлар доирасидан чиқиб кетиши, баробарида ҳамда сиёсий тус ва мазмун касб этиб бориши, оқибатда эса, шу кунгача қарор топган савдо-иқтисодий алоқаларга ҳамда ушбу жараёнларда қатнашаётган давлатларнинг учинчи давлатлар билан ҳамкорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланган.

Ҳужжатда алоҳида қайд этилишига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг ва халқнинг олий манфаатларига, фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда, иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилма-

ларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Концепцияда мамлакатимизнинг ёнгинасида ва дунёнинг бошқа қисмларида юз бераётган қуролли можароларга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар қаторида Афғонистонда сақланиб қолаётган оғир ва мураккаб шароитга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур мамлакатда вазиятнинг барқарорлашувига ва бардавом тинчлик ўрнатилишига эришмасдан туриб, халқаро коалиция кучларининг 2014 йили олиб чиқиб кетилиши–кенг минтақада олдиндан кўра билиш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги қайд этилган. Концепцияда Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонга нисбатан тутган позицияси аниқ белгилаб берилган.

Хусусан, ҳужжатда қуйидаги муҳим қарашлар таъкидланади:

1) Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик, тинчлик ва осойишталик қарор топишининг тарафдоридир;

2) Биз ушбу мамлакат билан ўз муносабатларимизни тарихий тажриба, анъанавий дўстона ва яхши қўшничилик алоқаларига таяниб, ички ишларга аралашмаслик тамойилига амал қилган ҳолда олиб борамиз;

3) Ўзбекистон Афғонистон билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала давлатнинг миллий манфаатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ шаклда, афғон халқи ўз мамлакати учун танлаган йўлни ҳурмат қилган ҳолда қуради.

Концепцияда Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида юз бераётган кескин ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Ўзбекистон, бу минтақалардаги давлатлар билан анъанавий тарихий-маданий алоқалар ҳамда дунёнинг бу қисмида рўй бераётган изчил ўзгаришларнинг келгусидаги хусусиятини инобатга олган ҳолда, ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашни давом эттириши таъкидланган.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ушбу ҳужжатда белгилаб қўйилган бошқа муҳим жиҳатлари қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субъекти сифатида фаол ва изчил ташқи сиёсат стратегиясини олиб боради. Бунда миллий манфаатларни собитқадамлик билан илгари суриш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари учун қулай бўлган ташқи муҳитни шакллантириш каби мақсад ва вазифалар устувор аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатлар билан стратегик шерикчилик муносабатларининг мувозанатли ва кўп қиррали тизимини шакллантиришда давом этади; минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаш; сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт ва бошқа соҳалардаги халқаро алоқаларни кенг диверсификация қилиш йўлидан боради.

Учинчидан, мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан бўлган алоқаларига ҳам алоҳида урғу берилади. Бу борада, авваламбор, *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан ҳамкорлик устуивор аҳамиятга эга экани баён қилинган. *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти*, *Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги* ва бошқа қатор халқаро институтлар билан алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Ўзбекистон халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қарорлар қабул қилиш жараёнида консенсус принципи ва ўзаро ишонч, тенглик ва бир-бирининг манфаатлари-

ни ҳурмат қилиш қоидаларига қатъий риоя этиш тарафдори эканлиги қайд қилинган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди. Ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Ўзбекистон ўзининг қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга тортилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чораларни кўради; ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, инсонийлик, тинчликсеварлик ғояларига асосланган ушбу концептуал ҳужжат тадқиқотчилар ва жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди [4]. Айниқса, ушбу ҳужжатда акс этган, ҳар бир инсоннинг қалби тубидан жой олган ғоя – яъни, ўз фарзандини ўзга юртлардаги қуролли-қонли можаролардан асраш ғояси алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган бу қоида нафақат ота-оналарга, балки аскарлик бурчини ўтаётган ёки ўташга тайёрланаётган ёшларнинг оила аъзоларига, уларнинг ёру-биродарларига ҳам мақбул келди. Ушбу ғоянинг концептуал ва қонуний жиҳатдан муҳрлаб қўйилиши Ўзбекистонда *“Мустаҳкам оила йили”* деб эълон қилинган 2012 йилда юз бергани бу масалага чуқур мулоҳаза билан комплекс нуқтаи назардан ёндашилганидан далолат бериб турибди.

Концепцияда, мамлакат ташқи сиёсий фаолиятини амалга ошириш учун халқаро майдонда сиёсий, дипломатик, шартномавий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ҳамда бошқа механизмлар, усул ва услублар, шакл ва воситалар мажмуасидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган, кенг кўламли ягона ва яхлит давлат сиёсатини олиб боришга асосланган ёндашув талаб этилади. Ташқи сиёсатни амалга оширишда иштирок этувчи ва бу борада алоҳида масъул бўлган давлат органлари тизимида– *Ташқи ишлар вазирлиги марказий бўғин вазифасини бажариши* ва бу борада умумий фаолиятни мувофиқлаштирувчи сифатида алоҳида ўрин тутиши белгилаб қўйилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Концепциянинг аҳамияти унинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим ҳужжат эканлиги билангина чекланиб қолмайди. Ташқи сиёсат соҳасидаги амалий жиҳатидан ташқари, бу ҳужжатнинг сиёсий, ҳуқуқий ва тарихий аҳамияти ҳам каттадир.

Концепциянинг парламентда халқ вакиллари томонидан маъқулланиши ва қонун билан тасдиқланиши унга нафақат тегишли қонуний, балки олий маънавий куч ҳам бахш этади. Ушбу ҳужжатнинг қонун билан қабул қилинганлиги уни нафақат ташқи алоқалар билан боғлиқ бўлган идоралар ва шахсларга, балки Ўзбекистон Республикасида яшаб истиқомат қилаётган барча аҳоли учун бир хил бўлган қонун даражасига кўтаради. Жумладан, Концепцияни тасдиқлаш тўғрисидаги Қонуннинг 3-бандида “Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларини ушбу қонун билан мувофиқлаштириши” лозим эканлиги белгилаб қўйилган.

Концепциянинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, у оддий ва тушунарли тилда ёзилган. Унда мураккаб назарий ва ортиқча терминологик иборалар қўлланилмаган. Ҳужжат матни ихчам ва аутентик характерга эга. Ҳужжат мазмуни Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган ва максимал тарзда аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилган бўлиб, умуман паллиатив вақтинчалик мазмундаги матндан халос этилган.

Концепция прагматик рухда баён этилган ва у турли догматик қарашлар ҳамда мафкуравий ишланмалардан холи. Ана бир муҳим жиҳати – Концепциянинг тайёрлашда кенг қамровли (мультидисциплинар) ёндашув услуби қўлланилган. Унда нафақат ташқи сиёсат ва дипломатия борасидаги, балки иқтисодий, ҳарбий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ташқи алоқаларга тегишли вазифалар, шунингдек, уларни амалга ошириш воситалари ҳам ўз аксини топган.

Қолаверса, Концепция ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасини ўрганишда илмий-назарий, ўқув-услубий, дидактик қўлланма сифатида, шунингдек, ҳамда илмий тадқиқотлар учун тадқиқот объекти ва манбаи сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Мисол учун, бу ҳужжатда, илгари амалиётда ўз аксини топган бўлса-да, миллий қонунчилигимизда ҳали қўлланилмаган айрим янги ибора ва тушунчалар мавжуд. Айтиш жоизки, “Марказий Осиё–Ўзбекистон учун ҳаётий манфаатлар ҳудуди” деган маънодаги тушунча биринчи бор бундай расмий даражада эълон қилинган. Давлатнинг “ҳаётий манфаатлари” деган тушунчанинг ўзи ҳам илгари миллий қонунчилигимизда қўлланилмаган. Концепцияда, шунингдек, “превентив дипломатия”, “халқ дипломатияси” каби тушунчалар ҳам учрайдики, улар гарчи амалиётда қўлланилган бўлса-да, миллий қонунчилигимизда жуда кам ишлатилган эди.

Концепциянинг аҳамияти



Бу ҳужжатнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида бошқа қатор мисолларни ҳам келтириш мумкин. Жумладан, ҳужжатнинг методологик жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб, унда азалий қадриятларимиз ва ҳозирги замон талабларини уйғун тарзда омуихталаштиришнинг самарадор модели қўлланилганини ҳам эътироф этса бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги замон ўзбек дипломатия мактабининг ғоявий илдизлари халқимизнинг кўп мингйиллик давлатчилик тарихига бориб тақалади. Бундан бир неча асрлар муқаддам ёзилган Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”си, Фаробийнинг “Фозил кишилар шаҳри” ҳақидаги рисоласи, Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулк” асари, Абу Райҳон Берунийнинг кенг маънодаги жуғрофий ишланмалари, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асари, қолаверса, “Амир Темур тузуклари”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурномаси” ва бошқа қатор тафаккур маҳсули бўлиши ўтмиш дурдоналари бугун ҳам мозийдан зиё таратиб турибди, давлатчилигимизда, жумладан, ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида [5] халқимиз учун катта мактаб, билимларнинг олтин хазинаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Уларда узоқ ва яқин қўшнилар билан муносабатлар олиб бориш, халқаро савдосотиқ асослари, давлатни идора қилишда ташқи алоқалар аҳамияти, жумладан, элчилар, тилмочларнинг функциялари ва уларни тайинлаш мезонларига тегишли қатор қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Бу билимларнинг кўпчилик қисми бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Масалан, маълумки, кўп замонавий олимлар давлатнинг “кучи”, “қудрати” тушунчаларини турлича талқин қиладилар. Мисол учун, таниқли америкалик олим Ханс Моргентау [6] ўз тадқиқотларида “power” (қудрат, куч) тушунчасига алоҳида эътибор қаратган бўлса, бошқа бир машҳур тадқиқотчи Жозеф Най эса, фанга “soft power” [7] (“юмшоқ қудрат”, ноҳарбий куч) тушунчасини олиб кирди. Бу ва шу каби бошқа тушунчаларнинг ҳар бири ўзига яраша чуқур маъно касб этади, албатта. Аммо, буюк давлат арбоби, машҳур ҳукмдор, бобоколонимиз Амир Темурнинг “Куч – адолатдадир” [8] деган ғояси ҳақиқий куч-қудратнинг асл манбаи ҳақидаги саволга энг қисқа ва лўнда жавоб бера олади десак, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди.

Замонавий миллий манфаатлар ва азалий қадриятларимизни бирлаштирган Концепцияда ҳам адолат ғоясига алоҳида урғу берилган. Айтайлик, “адолат” тушунчаси, авваламбор, икки мезонга асосланади: биринчиси – тенглик, иккинчиси – қонун устуворлиги. Мана шу иккала мезон ҳам Концепцияда ўз аксини топган. Бу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда “ўзаро тенг ҳуқуқлилик тамойили”га амал қилиши ва ўз ташқи сиёсатида “халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва меъёрларига содиқ қолиш”и белгилаб қўйилган. Концепциянинг “мувозанатли ташқи сиёсат олиб бориш”, давлатлараро масалаларда вужудга келиши мумкин бўлган “низоларни куч ишлатмасдан, ўзаро муроса, тенглик принциплари асосида”, “оқилона ёндашув” билан ҳал этишни кўзда тутувчи бандлари ҳам, айтиш мумкинки, “Куч –адолатдадир” деган ғояга жуда мос келади.

Хулоса тариқасида, умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” бугунги кун амалиёти ва азалий қадриятларимизни ўзида мужассам қилган ҳужжат бўлиб, у ўсиб келаётган авлод учун, рамзий маънода, қадимги таъбир билан айтганда, ўзига хос “тузук”, ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасидаги замонавий “рисола” бўлиб хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Адабиётлар

1. *Қаранг:* Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996; Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997; Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998; Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз, -Т.: “Ўзбекистон», 2000; Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон», 2009; Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон», 2010; Каримов И. А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон», 2012., *қўшимча маълумот учун қаранг*: Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг расмий портали: <http://www.press-service.uz>

2. Депутатлар мамлакат Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқладилар//“Халқ сўзи” 2012 йил 7 август, №154 (5574), 1-2бб.;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг IX ялпи мажлиси тўғрисида ахборот // “Халқ сўзи”, 2012 йил 31 август, №171 (5591), 1-б.

3. Закон Республики Узбекистан «О Концепции внешней политики Республики Узбекистан» от 26 августа 2012 г. // Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. –Т.:, 2002. - № 8. -112 стр.

4. *Мисол учун қаранг*: Жўраев Қ. Ўзбекистон Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси мамлакатимиз теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишга яқиндан кўмаклашади // “Халқаро муносабатлар” №48, 2/2012. –Т., 10-13 бб.; Бобоқулов И. “Миллий хавфсизлик” тушунчасининг концептуал таҳлили // “Жамият ва бошқарув” №3, 2013, -Т., 47-52 бб.; Zabikhulla S. Saipov. New Foreign Policy Strategy Paper Codifies Uzbekistan’s Reluctance Toward Restrictive Alliances. Eurasia Daily Monitor Volume: 9 Issue: 153 August 10, 2012. <http://www.jamestown.org/programs/edm/single/?tx_ttnews%5Btt_news%5D=39759&cHash=ad085ecf708a6bb94e0642801365ed46>

5. *Қаранг:* Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавхалар. Т., “Адолат”, 2001; Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. Академик М. М. Хайруллаев умумий таҳрири остида. –Т.: “Тошкент”, 2003.

6. *Қаранг:* Morgenthau Hans J. Politics Among Nations. The Struggle for Power and Peace. Second Edition, Alfred A. Knopf: New York, 1955. Morgenthau Hans J. “Truth and Power: Essays of a Decade”, Alfred A. Knopf: New York, (1970).

7. *Қаранг:* Nye J. Soft Power: The Means to Success in World Politics (New York: Public Affairs Group, 2004.

8. *Қаранг:* Amir Temur Ko’ragon. Tuzuki Temuriy. (Arab alifbosidan kirill alifbosiga o’girish, so’zboshi, lug’at va izoh mualliflari: H. Bobobekov, H. Boboev, A. Kuronbekov) Tosh., 1999.

Р.Ю. Турсунова,
УМЭД

РАЗВИТИЕ МНОГОПАРТИЙНОЙ СИСТЕМЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ

Ключевые слова: *реформирование, гражданское общество, избирательный процесс, многопартийная система, политическая партия, Центральная избирательная комиссия.*

* * *

Мақола Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимидаги ўзгаришлар ва кўппартиявийлик тизими тараққиёти ҳақида. Куппартиявилик тизими ривожланиш босқичлари ва уларнинг фукаролик жамияти куришдаги роли ёритирилиб берилади

Калит сўзлар: *ислоҳотлаштириш, фуқаролик жамияти, сайлов жараёни, кўппартиявийлик тизими, Марказий сайлов комиссияси.*

* * *

Статья about the development of a multiparty system and changes in the electoral process of the Republic of Uzbekistan. Evaluating the development of multiparty system and its role in the way of formatting civil society.

Keywords*: reformation, civil society, electoral process, multiparty system, political party, the Central election commission.*

В системе гражданского общества развитых стран политические партии занимают ключевую позицию, так как способны совершенствовать государственность, отстаивать демократические права и свободы, защищать национальные и общечеловеческие ценности. Выполнение этих задач взяли на себя политические партии, появившиеся в Узбекистане после обретения независимости.

Однопартийная система, как подчеркивал Президент Узбекистана, легко уязвима, ибо «бесконтрольная власть может оказаться в нечистых руках, что мы и пережили неоднократно в своей истории. Она легко приводит к тоталитаризму, оболваниванию народа и рядовых членов партии». [1]

Построение гражданского общества требует действенного участия всех слоев общества, а это возможно лишь

с учетом накопленного исторического опыта. История человечества богата примерами, когда строительство сильного гражданского общества могло осуществляться только при многопартийной системе или функционировании не менее двух партий.

Развитие гражданского общества в Узбекистане характеризуется сочетанием опыта традиционных структур и поиском новых демократических форм. В развитии многопартийной системы Республики Узбекистан целесообразно выделить следующие этапы.

Первый этап – период от провозглашения Основного Закона Конституции Республики Узбекистан (декабрь 1992г.) до принятия Закона РУз «О политических партиях» (декабрь 1996 г.). В Конституции закреплено, что граждане Республики Узбекистан имеют право участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей. Граждане Республики Узбекистан имеют право объединяться в политические партии и другие общественные объединения, участвовать в массовых движениях.

Главной задачей сложного переходного периода стала консолидация усилий действовавших в стране политических и общественных объединений по сохранению в обществе мира и согласия, привлечению их к активному участию в практическом применении основных принципов поддержанной народом стратегии реформ, что обеспечивало постепенный и поэтапный демонтаж прежней и создание принципиально новой общественно-политической системы.

Уже на первом этапе стала закладываться правовая база, обеспечивающая условия для широкой общественно-политической деятельности партий. Последовательно формировалось и развивалось новое избирательное законодательство, основанное на принципе многопартийности. Так, были разработаны и приняты законы «Об общественных объединениях» (1991 г.), «О гарантиях избирательных прав граждан» (1994 г.), «О политических партиях» (1996 г.).

В 1994 г. в Законе «О гарантиях избирательных прав граждан» были установлены механизмы активного избирательного права и свободы волеизъявления граждан. Согласно Закону «О политических партиях», созданы необходимые правовые основы для эффективного функционирования многопартийной системы, закреплено положение о том, что ни одна из действующих партий не может претендовать на единоличное право определять политику государства. Запрещено создание и деятельность политических партий, имеющих целью насильственное изменение конституционного строя, выступающих против суверенитета, целостности и безопасности страны, конституционных прав и свобод ее граждан, пропагандирующих войну, социальное, национальное, расовое и религиозное отчуждение и вражду, посягающих на здоровье и нравственность народа, дискриминацию людей по национальным и религиозным признакам.

Следует отметить, что в Ст. 57 Конституции Узбекистана запрещено создавать региональные партии. Этот подход основан на понимании того, что этим путем в стране может про-изойти раскол.

Запрещено также создание и деятельность политических партий, основанных национальных и религиозных признаках, что отвечает цивилизованным нормам.

Именно на первом этапе были заложены основы новой демократической политической системы, обеспечивающей широкое участие граждан в управлении делами государства и общества.

В этот период созданы следующие политические партии: Народно-демократическая партия Узбекистана (1991г.), Народно-демократическая партия «Ватан тараккиёти» (1992 г.), Социально-демократическая партия «Адолат» (1995 г.), Демократическая партия «Миллий тикланиш» (1995 г.).

В период проведения реформ и преобразований, формирования новых основ национальной государственности решалась задача отхода от монополии идеологии одной политической партии, в результате чего были созданы необходимые законодательные и политические условия для строительства многопартийной системы в стране.

Процесс формирования новых партий проходил в сложных экономических и политических условиях, не позволявших в полной мере формировать принципиально новое политическое поле страны. переход к многопартийной системе выдвигался как один из важнейших приоритетов развития страны.

Итогом первого этапа преобразований стало, во-первых, создание законодательных условий перехода от монопартийной общественно-политической системы к реальной многопартийности, от идеологического монополизма к политическому плюрализму; во-вторых, обеспечение законодательных гарантий для перехода от избирательной системы, основанной на «ведущей роли» партии прямого политического действия, к многопартийной избирательной системе, отвечающей общепринятым мировым нормам.

Второй этап – начался с принятия Закона РУз «О политических партиях» (1996 г.), законодательного закрепления порядка формирования и функций фракций политических партий в Законодательной палате (2003 г.) и длился до их практического формирования по итогам выборов 2004 г.

Повышение уровня политического и духовного сознания общества потребовало внесения изменений в структуру парламента и в его деятельность, перехода к системе постоянно действующего двухпалатного парламента. Это было подтверждено итогами референдума проведенного 27 января 2002 г. Референдум и последующие шаги парламентской реформы смогли обеспечить партийное представительство в Законодательной палате нового двухпалатного парламента страны, что оказало существенное влияние на развитие нормативно-правовой базы деятельности политических партий.

Позитивный импульс повышению общественно-политической активности партий придало принятие в 2004 г. Закона РУз «О финансировании политических партий», в котором определены возможности правового регулирования финансирования политических партий. При разработке данного документа были учтены нормы международного права, опыт законодательного регулирования деятельности партий в ФРГ, Франции, Италии, США, России, Украине и других странах (всего более 30 государств). Закон стал важным юридическим документом, входящим в систему нормативно-правовых основ регулирования деятельности политических партий и функционирования многопартийной системы в Узбекистане. Одновременно он способствовал укреплению нормативно-правовой базы парламентской реформы, так как ряд его положений направлен на формирование практических механизмов, связанных с организацией выборов.

В данном документе предусмотрено несколько источников финансирования политических партий:

- самофинансирование за счет членских взносов и результатов их финансово-хозяйственной деятельности, допускаемой законом;

• финансирование за счет добровольных пожертвований юридических лиц и граждан Республики Узбекистан;

• государственное финансирование.

В ходе выборов депутатов Законодательной палаты в декабре 2004 г., согласно закону, было осуществлено целевое бюджетное финансирование избирательной компании всех участвовавших в ней политических партий. Это позволило в полной мере применить современные избирательные технологии, широко используемые на выборах в развитых демократических странах.

Благодаря активизации деятельности разных слове общества была создана Национально-демократическая партия «Фидокорлар» (декабрь 1998г.). 14 апреля 2000 г. состоялось объединение двух политических партий – «Фидокорлар» и «Ватан тараккиёти», которые предприняли этот шаг, исходя из общности программных целей и опоры практически на одну и ту же социальную базу. Объединенная партия оставила за собой наименование Национально-демократической партии Узбекистана «Фидокорлар».

Политические партии уточняли программы своих действий, конкретные цели и ориентиры, направленные на защиту интересов своего электората. С учетом хода рыночных реформ, реализации национальной программы либерализации всех сфер жизни государства и общества, принятой на первой сессии Олий Мажлиса второго созыва и получившей дальнейшее развитие на его девятой сессии в ноябре 2003 г., была создана новая политическая партия – Движение предпринимателей и деловых людей, получившая название Либерально-демократическая партия Узбекистана (УзЛиДеП).

К парламентским выборам 2004 г. благодаря проведенным усовершенствованиям избирательная система, стала отвечать международным стандартам. Состоявшиеся 26 декабря 2004 г. всеобщие выборы продемонстрировали действенность обновленной избирательной системы, обеспечив представительство во вновь избранной Законодательной палате всех 5 действующих в стране политических партий.

Вследствие активизации деятельности фракции политических партий в парламенте начали эффективное продвижение законопроектов, связанных с реализацией своих программных установок. Депутатские фракции УзЛиДеП, НДП «Фидокорлар» и СДП «Адолат» сформировали Демократический блок, который составил парламентское большинство. В парламенте сформировалась так называемая «партия власти» (или фракция) – это УзЛиДеП и объявившая себя оппозиционной Народно-демократическая партия Узбекистана.

Подводя итоги второго этапа, можно утверждать, что все большее значение стало придаваться содержанию политических программ и предвыборных платформ, в которых партии отражали приоритетные направления своей деятельности, основываясь на волеизъявлении своего электората. Создавались законодательные условия и политические гарантии фракционной деятельности, наметился рост авторитета политических партий, в немалой степени отражала повышение общей политической культуры населения.

Третий этап – это период от декабря 2004 г. до принятия Конституционного Закона РУз «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» в 2007 г.

С 2005 г. стартовала предусмотренная законом система государственного финансирования деятельности политических партий и были сняты неоправданные ограничения на получение

партиями пожертвований от юридических лиц и граждан Узбекистана. Это привело к укреплению материально-финансового положения и организационного потенциала политических партий страны. Важно подчеркнуть, что в соответствии с Законом РУз «О финансировании политических партий» государственное финансирование получили все партии, образовавшие свои фракции в Законодательной палате по итогам выборов 2004 г.

Финансирование деятельности фракций в Законодательной палате в соответствии с указанным Законом осуществляется в рамках общего финансирования деятельности нижней палаты парламента, при этом обеспечивается предоставление фракциям оборудованных помещений для проведения их заседаний и других мероприятий; сумма выделяемой дотации для той или иной партии определяется наличием фракции и местами полученными в Законодательной палате. Это привело к значительной активизации уставной деятельности партий на уровне местных организаций.

Финансирование уставной деятельности политических партий за счет средств государственного бюджета стало прямым стимулом не только для политических партий, но и для избирателей, непосредственных налогоплательщиков, у них появился побудительный мотив к повышению своей требовательности к тем партиям, за чьих кандидатов они отдали свои предпочтения.

В 2007 г. Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов на основании ст. 83 Конституции Республики Узбекистан проявил законодательную инициативу и внес в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан проект Конституционного Закона Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны». С 1 января 2008 г. проект был утвержден и вступил в силу, что привело к укреплению роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны. Согласно закону, фракция политической партии, получившая большинство мест в Законодательной палате, составляет парламентское большинство и имеет гарантированное право на замещение ее представителем одной должности заместителя Спикера Законодательной палаты.

Кандидатура Премьер-министра Республики Узбекистан для утверждения Законодательной палатой и Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан представляется Президентом Республики Узбекистан после проведения консультаций с каждой из фракций политических партий, представленных в Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

В целях повышения эффективности контрольных фракций партийным группам областных, Ташкентского городского Кенгашей народных депутатов предоставляется право инициировать представление Президенту Республики Узбекистан обоснованных заключений о неудовлетворительной деятельности лиц, утвержденных на должность хокима области и г. Ташкента.

Таким образом, третий этап социально-экономических и общественно-политических реформ в Узбекистане характеризовался усилением роли политических партий в общественной жизни страны.

Четвертый этап охватывает с 2007 по 2010 годы. Он характеризуется действием партий в новом правовом поле, значительным ростом межпартийной состязательности на выборах 2009 г.,

которые впервые проведены на многопартийной основе.

Данный этап знаменателен активизацией демократического обновления и модернизации страны, накоплением партиями политического опыта и политической зрелости, обеспечением их финансовой самостоятельности, определением их авторитета в обществе и у своего постоянного электората.

Эффективная система управления государством и обществом должна гарантировать необратимость и поступательность демократических реформ. Поскольку многопартийность вошла в жизнь общества, это обеспечивало конкуренцию взглядов и идей, создавало новое поле соперничества партий.

В июне 2008 г., исходя из совпадений идеологических платформ и основных программных задач, Демократическая партия «Миллий тикланиш» и Национал-демократической партии «Фидокорлар» объединились в единую Демократическую партию «Миллий тикланиш».

Наиболее ярким событием четвертого этапа стали выборы в парламент страны в 2009 г., а также областные, городские и районные Кенгаши народных депутатов. Они прошли с учетом изменений в избирательном законодательстве страны, внесенных Законом Республики Узбекистан 2008г. «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием законодательства о выборах». Это стало важным шагом в деле углубления реформ по демократическому обновлению и модернизации страны. [2]

Накануне выборов 2009 г. ЦИК разработала Концепцию по подготовке и проведению выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов. Реализация этой Концепции, которую зарубежные эксперты определили как «уникальный документ» в сфере соблюдения конституционных прав граждан на свободу выбора и волеизъявление, обеспечила проведение выборов в полном соответствии с требованиями закона при самом активном участии политических партий, без вмешательства в избирательный процесс органов государственной власти в центре и на местах [3]. Было увеличено количество депутатских мест в Законодательной палате со 120 до 150, при этом 135 мест предоставлено депутатам от политических партий, избираемым по одномандатным округам на многопартийной основе [4]. С учетом актуальности экологических проблем 15 депутатских мест было предложено предоставить депутатам, избранным от Экологического движения Узбекистана.

Чтобы повысить роль партий, право выдвижения кандидатов в депутаты отдано исключительно политическим партиям. В законодательство введен институт уполномоченного представителя политической партии, который наделяется правом участвовать в подсчете голосов на избирательных участках.

При подготовке и проведении выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан и в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов в 2009 г. были «созданы условия для активного участия в избирательной кампании молодежи и женщин, повышению их социальной активности, политической и правовой культуры» [5]. В закон о выборах введены нормы о том, что в числе кандидатов в депутаты от политических партий не менее 30% должны составлять женщины. Избирательная кампания стала важным фактором повышения общественно-политической активности женщин, их роли в сфере государственного и общественного строительства. Реализация этой нормы в ходе выборов 2009 г. позволила из-

брать парламент, в нижней палате которого женщины составляют 33 депутата, или 22% от их общей численности. Женщины составляют 15% членов Сената, а в местных представительных органах трудятся более 20% женщин от общего количества депутатов [6].

Многочисленные национальные и зарубежные эксперты, наблюдавшие за выборами в Узбекистане в 2009 г., обратили внимание на то, как шла избирательная кампания – в условиях бурных межпартийных дискуссий, состязательности идей и программ, предложенных политическими партиями. Более 500 кандидатов в депутаты представляли четыре партии, участвовавшие в выборах.

Выборы доказали правильность и эффективность принятых решений, в частности, Конституционного закона «Об усилении роли политических партий в обновлении и демократизации государственного управления и модернизации страны», а также предпринятых мер для того, чтобы политические партии, участвуя и доказывая на выборах свою состоятельность, на деле становились решающей силой глубоких преобразований, происходящих в Узбекистане [7].

Пятый этап начался с 2010 г., когда началось усиление влияния политических партий на решение конкретных экономических и социальных задач в интересах своего электората, в контексте установок, изложенных в докладе Президента Узбекистана И.А.Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 27 января 2010 г. В предложенной главой государства Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране (2010 г.) ставилась цель дальнейшего усиления роли парламента и совершенствования избирательной системы Республики Узбекистан. Особенно важны предложения Президента Узбекистана И.А.Каримова по вопросу обеспечения свободы выбора и развития избирательного законодательства в Узбекистане.

С момента публикации Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране группа депутатов Законодательной палаты Олий Мажлис Республики Узбекистан разработала проект закона, в котором предусматривалось внесение изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан», Бюджетный кодекс Республики Узбекистан и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности.

По инициативе главы государства в апреле 2014 г. был принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (статьи 32, 78, 93, 98, 103 и 117)». В соответствии с поправками к статье 117 главы XXIII «Избирательная система» Основного Закона страны устанавлено, что для организации и проведения выборов Президента Республики Узбекистан, выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан, а также референдума парламент образует Центральную избирательную комиссию Республики Узбекистан. Конституционное закрепление статуса Центральной избирательной комиссии как независимого демократического института, обеспечивающего подготовку и проведение выборов без всякого вмешательства других органов государственной власти, является важнейшей гарантией обеспечения демократичности выборов [8].

Относительно Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан было инициировано следующее:

во-первых, раскрыта суть и содержание основных принципов деятельности Центральной избирательной комиссии: независимость, законность, коллегиальность, гласность, справедливость;

во-вторых, исключена норма, предусматривающая прекращение Олий Мажлисом полномочий Центральной избирательной комиссии, при этом должен сохраняться действующий порядок прекращения Олий Мажлисом полномочий членов ЦИК; данное нововведение направлено на дальнейшее укрепление гарантий независимости Центральной избирательной комиссии;

в-третьих, установлены следующие требования к кандидатам, избираемым членами ЦИК: гражданство Республики Узбекистан; проживание на ее территории не менее пяти последних лет; возраст – 25 лет; как правило, наличие высшего образования, опыта работы в организации и проведении выборов, референдумов, уважение среди общественности;

в-четвертых, устанавлена норма, которая запрещает членам ЦИК заниматься иной оплачиваемой деятельностью, кроме научной и педагогической;

в-пятых, расширены полномочия Центральной избирательной комиссии; предложено введение таких новых полномочий, как распределение средств для финансирования участия политических партий в выборах, осуществление международного сотрудничества [9].

Принятие и реализация данных инициатив всецело отвечают принципам постепенной либерализации избирательной системы Республики Узбекистан.

Важное условие и залог обеспечения развития страны, по мнению главы Узбекистана И.А.Каримова, Ї это дальнейшее совершенствование всех сфер жизни, реформирование политической, социальной или судебно-правовой систем, усиление общественно-политической активности населения, развитие многопартийной системы, дальнейшая либерализация жизни общества, осуществление перехода от сильного государства к сильному гражданскому обществу. Это остается для народа Узбекистана одной из самых важных и актуальных задач на современном этапе развития [10].

Литература:

1. *Каримов И.А.* Узбекистан на пороге достижения независимости. – Ташкент: Узбекистан, 2011. С. 301.

2. Концепция по подготовке и проведению выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов. Приложение №1 к Постановлению Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан от 12 мая 2009 г.

3. *Каримов И.А.* Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране» //Народное слово от 13 ноября 2010 г.

4. Закон Республики Узбекистан «О Выборах в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан». Ст. 1. – Ташкент: Адолат, 2009. С.47.

5. См. Концепцию по подготовке и проведению выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов. Приложение №1 к Постановлению Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан от 12 мая 2009 г.

6. *Каримов И.А.* Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране». //Народное слово от 13 ноября 2010 г.

7. *Каримов И.А.* Модернизация страны и построение сильного гражданского общества – наш главный приоритет: Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 27.01.2010 г. //Народное слово от 28 января 2010 г.

8. Закон Республики Узбекистан О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (статьи 32, 78, 93, 98, 103 и 117) от 16 апреля 2014 года № ЗРУ–366

9. Выборы в Олий Мажлис Республики Узбекистан и местные Кенгаши народных депутатов. http://uzbekistan.lv/novosti-centralnoj-izbiratelnoj-komissii-respubliki-uzbekistan/

10. См.: *Каримов И.А.* Выступление на торжествах, посвященных 17-летию независимости Республики Узбекистан// Веб-сайт Пресс-службы Президента Республики Узбекистан. 31 августа 2008 г. – www.press-service.uz

О. Шералиев,
с.ф.н., ЖИДУ

ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Калит сўзлар: *ОТОИҲ, ОТОМ, мегаминтақа, минтақалараро ҳамкорлик, интеграция, иқтисодий интеграция, эркин савдо зонаси, эркин иқтисодий зона, саммит, декларация, қўшма баёнот, форум.*

* * *

В статье раскрыты современное состояние и перспективы регионального развития в рамках Азиатского тихоокеанского экономического сотрудничества (АТЭС) как интеграционного образования. Основное внимание обращено на экономические действия, принятые решения и осуществленные мероприятия по внедрению межрегионального сотрудничества со стороны АТЭС как интеграционного объединения.

Ключевые слова: *АТЭС, АТР, мегарегион, межрегиональное сотрудничество, интеграция, экономическая интеграция, свободная торговая зона, свободная экономическая зона, саммит, декларация, совместное заявление, форум.*

* * *

The article deals with the current state and prospects of regional development within the Asia Pacific Economic Cooperation (APEC) as the integration of education. The main attention is paid to the economic activities, decision-making and implementation activities of interregional cooperation of the APEC integration association.

Key words: *APEC, APR, mega region, inter regional cooperation, integration, economic integration, free trade zone, free economic zone, summit, declaration, joint statement, forum.*

Жаҳонда жуғрофий ўлчамлари ва давлат чегараси билан аниқ белгиланадиган «табиий» минтақалар кўп эмас. Аксарият минтақалар жаҳон давлатлари ва минтақавий давлатларнинг манфаатларига қараб ўзгариб туради. Улар жумласига жиддий сиёсий, иқтисодий, маданий-цивилизацион фарқлар билан бир-биридан ажралиб турувчи давлатларни бирлаштирган *Осиё-Тинч океани минтақаси* ҳам киради. Тинч океани ҳавзасига кириш тартибига кўра мамлакатларнинг мазкур минтақага киритилиши минтақани шакллантиришга нисбатан соф иқтисодий ёндашувни акс эттиради. Бунда

асосий урғу савдо, инвестициялар ва бошқа соҳаларда Тинч океани ҳавзасида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги алоқаларга берилади. Бу ҳолда Осиё-Тинч океани минтақасига Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқалар киради.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Осиё-Тинч океани минтақасини мустақил минтақа сифатида ажратиш жаҳон халқаро муносабатлар тизимидаги вазиятни бузади. Шу боис, улар Осиё-Тинч океани минтақаси тушунчасидан воз кечиш ва баҳолар беришни унинг субминтақалари даражасида амалга оширишни таклиф қилади. Баъзи тадқиқотчилар минтақани универсал геосиёсий ва геоиқтисодий асосда тузади ва жаҳондаги жараёнларнинг қарши оқимлари тўрт «эски» минтақа – Марказий, Жанубий, Шимоли-Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёни жипслаштиришини, бу эса Шарқий Евросиё маконида янги геосиёсий минтақавий комплекс – Катта Шарқий Осиё пайдо бўлишига имконият яратишини қайд этади [1]. Бу ерда фикр унинг ғарбий чегарасида Хитой таъсирининг мустаҳкамланиши, АСЕАН мамлакатлари билан интеграция жараёнларига ХХР ва Япониянинг қўшилиши, Ҳиндистон иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий мавқеининг кучайиши, Марказий Осиёда АҚШнинг фаоллашуви сингари жараёнлар ҳақида боради.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ўзаро фойдали ҳамкорлиги манфаатларида Тинч океани Иқтисодий уюшмасини ташкил этиш ғояси 60-йиллардан бери кўтарилиб келади. *«Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги»* (ОТОИҲ) ҳукуматлараро форумининг пайдо бўлишига асосан йирик бизнеснинг йўналишидаги хатти-ҳаракатлар ва 1980 йилда таъсис этилган Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик кенгашининг фаолияти замин яратди. Мазкур халқаро ноҳукумат ташкилоти доирасида Осиё-Тинч океани минтақасида иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича мулоқотга иштирокчи-мамлакатларнинг ҳукумат, амалий ва илмий даврларнинг вакилларидан таркиб топтирилган миллий қўмиталари жалб қилинди. Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик кенгашининг институционал механизмлари ва кўп томонлама халқаро тажрибасидан ОТОИҲни тузишда кенг фойдаланилди.

ОТОИҲ форуми, бир томондан, Осиё минтақасида глобаллашув жараёнининг инъикосига, бошқа томондан эса, Қўшма Штатлар томонидан иттифоқчилар – Япония ва Австралия кўмагида рўёбга чиқарилган Тинч океани регионализми ғоясининг амалий ифодасига айланди. Япония ва Австралиянинг бу борадаги ҳаракатларига бошқа минтақаларда савдо блокларининг ташкил топиши, шунингдек, жадал суръатларда ривожланаётган Жануби-Шарқий Осиё минтақаси билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш туртки берди. Умуман олганда, ОТОИҲ форуми асосчилари унда умумий бозорни яратиш йўлида фаол ҳаракатланаётган Европанинг «қудрати»га қаршилик кўрсатиш воситасини кўрдилар. Шимолий Америкадан ташқарида жойлашган мамлакатлар учун эса бу мазкур қитъада протекционизмнинг кучайиш эҳтимолидан ҳимояланишга уриниш эди.

Шундай қилиб, ОТОИҲнинг ташкил этилиши асосан иқтисодий омиллар билан белгиланар эди. Аммо кейинчалик мазкур Форум фаолияти сиёсий хусусият касб этиб борди. Австралия, Бруней, Индонезия, Канада, Корея Республикаси, Малайзия, Янги Зеландия, Сингапур, АҚШ, Таиланд, Филиппин ва Япония ОТОИҲ муассисларига айланди.

Мазкур давлатлар ташқи ишлар, иқтисодиёт ва савдо вазирларининг биринчи учрашуви 1989 йил ноябрда

Канберра шаҳри (Австралия)да бўлиб ўтди. Кейинчалик ташкилотга 9 мамлакат: ХХР, Гонконг, Тайвань, Мексика, Папуа-Янги Гвинея, Чили, Перу, Россия ва Вьетнам қўшилди. ОТОИҲнинг жадал ривожланиши унинг фаолиятининг глобаллашув жараёнларига, регионализм мезонларига ва аъзо-давлатларнинг ривожланиш эҳтиёжларига мос келишидан дарак берар эди. Атиги тўрт йил ичида бу ҳукуматлараро ташкилот вазирлар даражасидаги конференциядан Осиё-Тинч океани минтақаси етакчи давлатларининг раҳбарлари иштирокида ҳар йили ўтказиладиган саммитлар даражасига кўтарилди. 1993 йил Сиэтлда ўтказилган биринчи саммит АҚШ президенти Б.Клинтон ташаббуси билан ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда ОТОИҲ форумининг 21 иштирокчиси жаҳон ЯИМнинг 55 фоизи (18 триллион доллар)ни ва жаҳон савдосининг 54 фоизи (5,2 триллион доллар)ни беради, улар ҳудудида ер курраси аҳолисининг 40 фоизидан ортиғи (2,5 миллиарддан зиёд киши) яшайди [2]. Консультатив мақомга эгалигига қарамай, бу ҳукуматлараро ташкилот минтақада савдо, инвестиция ва молия фаолияти қоидалари ва меъёрларини ишлаб чиқади, бутун дунёда кузатилаётган давлатлар хўжалик фаолиятининг интернационаллашув жараёнини акс эттиради.

Ўз ишида ОТОИҲ икки асосий тамойилга: *«очиқ регионализм»* ва *«келишилган бир томонлама чоралар»*га асосланади.

Биринчи тамойилнинг моҳияти шу билан белгиланадики, Осиё-Тинч океани минтақаси доирасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда товарлар, пул ва инсон оқимлари ҳаракатига чеклашларни бекор қилиш Бутунжаҳон савдо ташкилоти тамойилларига риоя қилиш ва мазкур ташкилот аъзолари ҳисобланмайдиган давлатларга нисбатан протекционизмдан воз кечишга асосланади. Мазкур давлатлар бундай ҳамкорликнинг барча афзалликларидан ўзаролик асосида фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Иккинчи тамойил иштирокчиларга савдо ва молиявий либераллаштиришнинг ўзи учун мақбул бўлган суръатларини танлаш имконини беради. Натижада, ҳукуматлараро ташкилотнинг интернационаллашув йўлида ҳаракатланиш тезлиги шу нуқтаи назардан нисбатан қолоқ иштирокчи мамлакатларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари билан белгиланади ва қўйилган мақсадларга эришиш учун юқори даражада институционаллашув талаб этилмайди. Айни шу сабабли ОТОИҲ Котибияти катта эмас ва унга консенсус асосида қабул қилинадиган қарорларни бажаришни ташкилот аъзоларидан талаб қилиш ваколати берилмаган.

ОТОИҲда қарорлар қабул қилиш тартиби қирқ йилдан ортиқ тарихга эга бўлган энг самарали ҳукуматлараро ташкилотлардан бири – АСЕАН тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган. Осиёча ёндашув ёки «АСЕАН йўли», бир томондан, Осиё ҳукуматлараро ташкилотларининг «яшовчанлиги»ни таъминлади, бошқа томондан эса, улар самарадорлик даражасининг пастлигига сабаб бўлди. Шу туфайли ҳам, ташкилот фаолиятининг меъёрлари ОТОИҲ иштирокчиларининг барчасини қаноатлантиради, деб қайд этиш мушкул ва вақти-вақти билан улар мазкур меъёрларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилади.

«АСЕАН йўли» хулқ-атвор меъёрлари замирида индонезияликларнинг икки тамойили: мулоқот ва муроса ётади. А.Ачарья «АСЕАН йўли»ни «босқичма-босқичликка, норасмийликка, муросаи мадорага, шахсий сиёсий алоқаларга, музокаралар олиб боришнинг ноконфронтацион услубига, жараённинг натижага қараганда муҳимлигига асосланган минтақавий ўзаро ало-

қалар ва ҳамкорлик жараёни» [3] сифатида тавсифлайди. Маҳаллий элиталар учун мулоқот жараёнида «обрўсизланиш» имкониятини деярли истисно этувчи мазкур мулоқот шакли кучли рақобат ва аниқ юридик асос билан тавсифланувчи ғарб моделидан бутунлай фарқ қилади. «АСЕАН йўли» учун ташкилот аъзоларининг ички ишларига аралашмаслик тамойили биринчи даражали аҳамият касб этади. У давлат суверенитетининг дахлсизлигини сўзсиз тан олишга асосланади.

Ўз тузилишига кўра ОТОИҲ – муайян қоидаларга мувофиқ ишлайдиган форумлар бирлашмаси. Олий орган қарорлари ижро этиш учун мажбурий эмас. Олий орган икки «палата»: вазирлар (ташқи ишлар ва савдо вазирлари) учрашуви ва лидерлар (давлат ва ҳукумат раҳбарлари)нинг норасмий саммитидан иборат. Саммит қайси мамлакат ҳудудида ўтказилса, шу мамлакат йил мобайнида Форумга раислик қилади. У саммитни ташкил этиш харажатларини ўз бўйнига олади ва ўз раислик муддати (бир йил) учун ОТОИҲ ишининг мавзуларини белгилайди. Саммит натижаларига кўра декларациялар қабул қилинади ва уларда ўтган йил учун ташкилот ишининг якунлари кўриб чиқилади, иштирокчиларнинг минтақа ёки жаҳон иқтисодиёти воқеалари хусусидаги нуқтаи назари ва Форум стратегияси таърифланади.

Катта амалдор шахслар учрашуви – вазифаси етакчилар ва вазирлар қабул қилган қарорларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлган орган; у олий орган билан ОТОИҲ таркибий бўлинмалари мақомига эга бўлган форумлар ўртасида боғловчи бўғин сифатида ҳам амал қилади. Тузилманинг муҳим элементи Амалий маслаҳат кенгаши бўлиб, у ўзида ҳар бир давлатдан учтадан вакил кирувчи мустақил бизнес-форумни ифодалайди.

ОТОИҲ органлари форумлар деб аталади. Улар жумласига уч қўмита (савдо ва инвестициялар бўйича, иқтисодий, бюджет ва бошқарув бўйича) ва 11 ишчи гуруҳ киради.

ОТОИҲ Котибияти Сингапурда жойлашган ва вазифаларини жорий йилда раислик қилувчи мамлакат вакили бажарадиган ижрочи директор, ижрочи директор ўринбосари (ОТОИҲда келаси йили раислик қиладиган мамлакат вакили), профессионал ходимлар штати (Форумнинг ҳар бир иштирокчиси амалдорлари) ва маҳаллий техник ходимлардан иборат.

1994-1995 йиллар ОТОИҲ фаоллиги ўз чўққисига етган давр ҳисобланади. Бу даврда вазифалар белгиланди ва минтақада эркин савдо ва инвестицияларни шакллантириш борасидаги ҳаракатлар режаси эълон қилинди. Богор декларацияси (1994 й.)га мувофиқ эркин савдо зонасини ташкил этиш иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун 2010 йилгача, ривожланаётган мамлакатлар учун эса – 2020 йилгача бўлган давр учун амал қилиши назарда тутилди. 1995 йилда қабул қилинган Осака ҳаракатлар дастурида ҳукуматлараро ташкилот фаолиятининг тамойиллари мустаҳкамланди ва Осиё-Тинч океани минтақасида иқтисодий ҳамкорликнинг савдо ва инвестицион либераллаштириш, савдо ва инвестицияларга кўмаклашиш, иқтисодий ва техник ҳамкорликдан иборат бўлган уч асосий йўналиши белгилаб олинди.

Шунга қарамай, ОТОИҲ негизида кенг кўламли интеграцион гуруҳни шакллантириш имкониятлари муайян эмас ва бу асосан англо-саксон ва ривожланаётган Осиё давлатлари манфаатларининг мувофиқ эмаслиги билан белгилаб олинди. Чунончи, АҚШ савдо ва молиявий оқимларни тез ва тўлиқ либераллаштиришдан, Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларининг очилишидан манфаатдор. Шу сабабли, Ва-

шингтон ОТОИҲнинг институционаллашув даражасини оширишни ва қабул қилинаётган қарорларнинг мажбурийлиги тамойилини жорий этишни талаб қилмоқда. Бунда АҚШни Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа бир қатор давлатлар қўллаб-қувватламоқда. Ўз навбатида, АСЕАН мамлакатлари, Япония ва Жанубий Корея бу жараённинг ихтиёрий хусусиятини ҳимоя қилмоқда[1]. Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ОТОИҲ учун биринчи ўринга савдо ва капитални либераллаштиришни эмас, балки савдога кўмаклашиш ҳамда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни қўймоқда.

ХХР келсак, у ҳам ОТОИҲ, ҳам Кенгаш фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Чунончи, ХХР Кенгашнинг ҳар йили ўтказиладиган йиғилишини Пекинда ташкил этиш (1990 й.) ва ОТОИҲ саммитини Шанхайда ўтказиш (2001 й.) ташаббуси билан чиқди, бу анжуманларда мазкур ташкилот аъзолари сифатида Тайвань ва Гонконг вакиллари иштирок этди. Умуман олганда, Хитой ОТОИҲ ишига, энг аввало, иқтисодий ва техник ҳамкорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сингари йўналишларда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Осиё молиявий инқирози авжга чиққан палла – 1998 йилда Куала-Лумпур шаҳри (Малайзия)да ўтказилган саммитда ОТОИҲ доирасидаги иқтисодий ва молиявий интеграцияга мажбурий тус бериш ҳақида таклифлар янгради. Аммо инқироз бартараф этилишига қараб улар (шу жумладан, Япония позицияси туфайли) ўз ривожини топмади. Токио вакиллари «Тармоқларни илк ихтиёрий либераллаштириш» дастурининг амал қилиш доирасига кирувчи рўйхатга балиқчилик ва ўрмон саноати маҳсулотларининг киритилишига қаршилик кўрсатди. Бу борада Япония билан келиша олмаган АҚШ тез орада асосий эътиборни Осиё-Тинч океани минтақасида савдони либераллаштиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида Хитойнинг БСТга қўшилиш шартларини келишишга қаратди.

Тармоқларни илк ихтиёрий либераллаштириш мавзуси БСТга муҳокама учун берилди. Бу ОТОИҲ савдо соҳасида музокаралар олиб боришга тайёр эмаслигидан ва мазкур ҳукуматлараро ташкилот инқирозидан дарак берар эди [4]. Тармоқларни илк ихтиёрий либераллаштириш ташаббусининг барбод бўлиши иқтисодий ривожланган мамлакатлар таклиф қилган умуминтақавий эркин савдо зонасини жадал суръатларда ташкил этиш концепцияси Форумнинг ривожланаётган мамлакатлардан иборат аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмаганини кўрсатди.

Осиё молия инқирози шароитида «очиқ регионализм» тамойилига таяниш ҳам жабр кўрган мамлакатларга ёрдам бермади. ОТОИҲ, бир томондан, минтақадан ташқаридаги кучларнинг салбий таъсири оқибатларини юмшата олмади, бошқа томондан эса, кўп миқдорда валюта захираларига эга бўлган Осиё давлатларини минтақа бўйича қўшниларига тезкорлик билан ёрдам кўрсатишга мажбур этувчи механизмларни яратишга ожизлик қилди. Натижада, глобал молиявий архитектурани ўзгартириш ва Осиёдан ташқаридаги акторларга қаршилик кўрсатишга қодир бўлган Осиё институционал механизмлари (ягона валюта, Осиё валюта жамғармаси ва ш.к.)ни яратиш ғоялари кенг қўллаб-қувватланди. Минтақавий ва субминтақавий интеграцияни ривожлантиришга доир янги ғоялар ва концепцияларни топиш йўлидаги изланишлар фаоллашди. 1997 йилда «АСЕАН+3»

[1] Япония ва Жанубий Корея ОТОИҲ бу йўлда илдам ҳаракатланишидан манфаатдор эмас, чунки бу уларни саноат ва қишлоқ хўжалигининг сиёсий таъсирчан тармоқларини ташқи рақобат учун очишга мажбур этиши мумкин.

(АСЕАН мамлакатлари, Хитой, Япония, Корея Республикаси) пайдо бўлди.

Умуман олганда, ОТОИҲ фаолиятида 1990-йилларнинг охиридан эътиборан кузатила бошлаган инқироз астасекин Осиё-Тинч океани минтақасининг деконструкция қилинишига олиб келди. Бунга мазкур минтақа мамлакатлари ўртасида тарихий ва маданий алоқаларнинг йўқлиги, норасмий регионаллашув жараёнлари ривожланмагани ҳам имконият яратди. Америка ёки, айтайлик, Австралияга хос бўлган хусусиятлар Шарқий Осиёга хос бўлган хусусиятлардан анча фарқ қилади, шу боис, умумий минтақавий тафаккурнинг мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлмайди.

Шу билан бир вақтда, айнан иштирокчиларнинг ранг-баранглиги ва аъзоликка нисбатан кенг ёндашув ОТОИҲнинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги улкан ролини белгилади: ҳар йили ўтказиладиган саммитлар жаҳон давлатлари ва минтақавий давлатлар – АҚШ, Япония, Хитой, Россия, шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, Тайвань ва бошқаларнинг лидерларини бир жойда тўплайди. Саммитлар уларга икки томонлама ва минтақавий муносабатлар масалаларини муҳокама қилиш учун «бир чеккада» учрашишга имконият ҳам яратади. Натижада, ОТОИҲ саммитларининг кун тартиби унга иқтисодий муаммолардан ташқари хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик масалаларининг ҳам киритилиши ҳисобига сезиларли даражада кенгайди. Чунончи, 1999 йил Окленд (Янги Зеландия)да ўтказилган саммитда БМТ қўшинларини Шарқий Тиморга юбориш тўғрисидаги қарор тезкорлик билан келишилди, 2001 йил Шанхай (Хитой)да бўлиб ўтган саммитда терроризмни қораловчи резолюция қабул қилинди, бир қатор саммитларда Корея яримолининг хавфсизлиги муаммолари муҳокама қилинди.

1990-йилларнинг охирида БСТ форматида ва макроминтақавий даража (ОТОИҲ)да савдони либераллаштириш ғоясини илгари суришда мавжуд жиддий муаммолар Осиё-Тинч океани минтақасида икки томонлама савдо битимларининг жадал ўсишига олиб келди. Даставвал бу соҳада Сингапур пешқадамлик қилди – ривожланган қишлоқ хўжалик секторининг йўқлиги музокараларда уни қулай ҳамкорга айлантирар эди. Бу жараёнга АҚШ ҳам аста-секин қўшилди. Тинч океани ҳавзасидаги мамлакатлар ўртасида икки томонлама савдо битимларини тузишга Вашингтон Осиё-Тинч океани минтақасида ўз таъсир доирасини кенгайтириш воситаси сифатида қаради. Ўз навбатида, Хитой АСЕАН мамлакатлари билан эркин савдо тўғрисида битимлар тузиш орқали Жануби-Шарқий Осиёда ўз мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

1997-1998 йиллар молиявий инқирози барҳам топганидан сўнг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари учун сиёсий-иқтисодий фаолиятда урғу савдодан молиявий оқимларга кўчди ва мазкур омил ўз-ўзидан «АСЕАН+3» ташкилоти фаолиятида биринчи даражали аҳамият касб этди. Аммо бу жиддий омил ОТОИҲ фаолиятида ўз аксини топмади, АҚШ эса молиявий инқирозни бартараф этиш ва минтақада ўз ташқи сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун бошқа механизмларни қўллашни маъқул деб топди.

Қайд этилган салбий омилларнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, бу ерда ОТОИҲнинг институционал яшовчанлигидан дарак берувчи икки жиҳатни қайд этиб ўтиш, бизнингча, ўринли бўлади.

Биринчидан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари икки томонлама битимларни ўз қўшнилари билангина эмас, балки Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа қисмларидаги (масалан, Шимолий ва Жанубий Америкадаги) давлатлар билан ҳам тузиши тенденцияси сақ-

ланиб қолаётир, демак, ўз аъзоларига аввалгидек фойда келтирмоқда.

Иккинчидан, Жануби-Шарқий Осиёнинг янги интеграцион тузилмаларида АҚШ учун ўрин ҳозирча топилгани йўқ, шу боис, ОТОИҲнинг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан мулоқотни қувватлаш воситаси сифатидаги роли Қўшма Штатлар учун келажакда ошиши мумкин.

А.Торкуновнинг қайд этишича, «сўнгги йилларда ОТОИҲ Осиё-Тинч океани минтақасида эркин савдо ва инвестициялар кўп томонлама очиқ тизимини яратишни мувофиқлаштирувчи органга айланди» [5].

Айни вақтда, кўпгина, биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатлар вакилларининг фикрига кўра, ОТОИҲ ўз табиатига кўра савдо, инвестициялар, иқтисодий ва техник ҳамкорликнинг долзарб муаммолари бўйича мулоқот доирасидан четга чиқиш учун мўлжалланмаган. Улар ОТОИҲни минтақа мамлакатларининг ташқи иқтисодий фаолиятини уйғунлаштиришга қаратилган ҳукуматлараро ташкилот сифатида сақлаб қолиш фойдали бўлади, деб ҳисоблайди. 2001 йилги Шанхай саммитидан бошлаб, иқтисодий ва техник ҳамкорлик дастури (ЭКОТЕК) ОТОИҲ учун биринчи даражали аҳамият касб этиши лозим, деган фикр тарафдорлари кўпайиб бормоқда.

Келажакда ҳукуматлараро ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари – савдо ва инвестицияларни либераллаштириш ҳамда ЭКОТЕК дастурлари ўртасида мувозанатни сақлаш муаммоси бўйича келишмовчиликлар сақланиб қолишини кутиш мумкин. Сўнгги йилларда ОТОИҲ саммитлари жараёнида уларни ўтказувчи мамлакатлар иштирокчилар эътиборини савдони янада либераллаштириш муаммоларига эмас, балки қўшма ташаббусларга, шу жумладан экологик хусусиятга эга бўлган ташаббусларга ва ЭКОТЕК дастурларини амалга оширишга нисбатан янгича ёндашувларга қаратишга ҳаракат қилмоқдалар. Сўнгги зикр этилган дастурлар киритилган маблағлар ҳажмига кўра катта эмас, лекин ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ва техникавий ривожланишида муҳим роль ўйнашга қодир. Масалан, Австралия ОТОИҲ учун нисбатан янги муаммо – дунё миқёсида иқлим ўзгариши ва «соф ривожланиш» муаммосини 2007 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари деб эълон қилди. Шу билан бир вақтда ОТОИҲнинг 2007 йил сентябрда бўлиб ўтган 15-саммитининг якунловчи декларациясида БСТнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдони либераллаштиришни назарда тутувчи Доха раунди қўллаб-қувватланди.

2008 йилда саммитни Перу ташкил этди. Унинг ОТОИҲдаги раислиги «Осиё-Тинч океани минтақасини ривожлантириш манфаатларида янги вазифаларни ҳал қилиш сари» шиори остида кечди. Ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётлар ўртасидаги фарқни қисқартириш бош вазифага айланди. Асосий эътибор глобаллашувнинг ижтимоий жиҳатларига, Осиё-Тинч океани минтақасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, шу жумладан, хусусий секторнинг корпоратив жавобгарлигини ошириш ҳисобига таъминлашга қаратилди. ОТОИҲнинг 2008 йил 22-23 ноябрь кунлари Лима шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иқтисодиёт, шахсий хавфсизлик, атроф муҳит соҳасидаги минтақавий муаммолар айни шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Саммитнинг якунловчи декларациясида қуйидагилар ОТОИҲ фаолиятининг етакчи йўналишлари деб эътироф этилди: минтақавий иқтисодий интеграцияни рағбатлантириш; инвестициялар ва савдо соҳасида давлатнинг ролида таркибий ўзгариш ясаш; озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; корпорацияларнинг ижтимоий жавобгарлигини кучай-

тириш; коррупция, терроризмга қарши курашиш; табиий офатлар ва дунё миқёсида иқлим ўзгаришига биргаликда қарши туриш.

Саммит иштирокчилари якунловчи декларациядан ташқари глобал иқтисодиёт ҳамда жаҳон молиявий инқирозига қарши курашиш муаммолари бўйича махсус баёнот қабул қилди. Бу ҳужжатда улар давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан инқироз 2010 йилнинг ўрталаригача бартараф этилишига ишонч билдирди [6]. Шунга қарамай, инқироз шароитида ОТОИҲ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши муқаррар деб эътироф этилди. Саммит иштирокчилари «йигирмалик» етакчиларининг 2008 йил 15 ноябрдаги Вашингтон декларациясида ифодаланган молиявий бозорларни ислоҳ қилиш бўйича ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлади, шунингдек, инқироздан айниқса кўп жабр кўрган давлатларга молиявий ёрдам кўрсатишда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа молия институтларининг ўрни ва аҳамиятини таъкидлади.

Иштирокчи-мамлакатлар инвестициялар, товарлар ва хизматлар савдоси учун янги тўсиқлар, экспортга қўшимча чеклашлар жорий этишдан, шунингдек, БСТ қоидалари билан мос келмайдиган ҳар қандай қадамлар ташлашдан камида бир йил мобайнида ўзини тийиш мажбуриятини олди. Бундан ташқари, саммит БСТ Доха раундини самарали якунлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлади ва Богор декларациясининг Осиё-Тинч океани минтақасида эркин савдо ва инвестициялар зонасини яратиш билан боғлиқ истиқболи мақсадларига содиқ эканини тасдиқлади.

Саммитнинг якунловчи декларациясида иштирокчиларнинг ташкилот институционал тузилмасини мустаҳкамлашга интилиши эълон қилинди. ОТОИҲ Котибияти таркибида стратегик режалаштириш бўлими таъсис этилди, ОТОИҲ Котибиятининг ижрочи директорини қайд этилган муддатга тайинлаш тўғрисидаги масалани ечишда эришилган тараққиёт маъқулланди.

2009 йил Форум доирасида ҳамкорликнинг йигирма йиллик юбилейи кунларида Сингапурда чақирилган саммит жаҳон молиявий инқирози шароитида ўтди. Янги тенденциялар ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ОТОИҲ кун тартиби кенгайтирилди, чуқурлаштирилди ва кенг кўламли хусусият касб этди. Форум иштирокчилари иқтисодий соғломлашув учун замин яратган инқирозга қарши фаол чоралар кўрилганига қарамай, бу соғломлашув мустаҳкам пойдеворга ҳозирча эга эмаслигини қайд этди [7].

Саммит якунлари бўйича ОТОИҲ давлат ва ҳукумат раҳбарлари декларация, шунингдек, саммит якунларини ихчам шаклда акс эттирувчи қўшма баёнот қабул қилди.

2010 йилги саммит шу йил 7–14 ноябрда Йокогама шаҳри (Япония)да ўтказилди ва унда 2015 йилгача Ривожланиш стратегияси қабул қилинди [8].

2011 йилги саммит 7–14 ноябрда Гонолулу шаҳри (АҚШ)да ўтказилди ва «Яхлит минтақавий иқтисодиёт йўлида» шиори остида ўтди [9].

2012 йилги саммит Владивосток шаҳри (Россия)да ўтди.

Бир томондан, бугунги кунда интеграцион тузилмаларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан мураккаблашуви юз бермоқда. Бошқа томондан, мавжуд форматлар (уларнинг орасида ОТОИҲ ҳам бор) ўртасида муайян фарқ пайдо бўлмоқда. ОТОИҲ ўз фаолиятининг қайсидир жиҳатларида эскирган ва у бугунги кунда янгилашни талаб қилади, деган фикрлар илгари сурилмоқда.

Минтақавий интеграция учун объектив шарт-шароитлар мавжудлигидан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда унинг

янги, яшовчан моделини яратиш бош вазифага айланади. Ўтмишдаги интеграция, унинг замирида кенг кўламли шартномалар ётгани боис, кутилган самарани бергани йўқ. Эндиликда янги модель зарур бўлиб, унинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Муҳим муаммоларни ечиш учун бирлашиш (сув, энергия, экология ва ҳ.к.).

2. Айрим минтақалар, вилоятларда чегараолди ҳамкорлигининг янги шаклларини ривожлантириш, марказий ҳукуматнинг интеграция лойиҳаларини илгари суриш ва амалга оширишга бўлган монополиясидан воз кечиш.

3. Икки ва кўп томонлама битимларни шакллантириш.

4. Минтақавий интеграцияни минтақавий тузилмалар орқалигина эмас, балки халқаро майдонда ягона минтақа сифатида иш кўрган ҳолда амалга ошириш.

5. Бир-бирига ён бериш ҳамда муросаи мадорага асосланган сиёсатни олиб бориш.

6. Марказий Осиёда интеграцион жараёнларни жонлантиришда ОТОМ интеграциявий жараёнларининг айрим элементларини, хусусан, унинг иқтисодий йўналтирилганлигини асос сифатида қабул қилиш мумкин.

7. Марказий Осиёда интеграцион жараёнларни ривожлантиришда АСЕАН ва ОТОИҲ моделларидан фойдаланиш ижобий натижаларни бериши мумкин.

Адабиётлар

1. Воскресенский А.Д. Политические системы и модели демократии на Востоке. – М., 2007. – С. 35.

2. Lincoln E. East Asian Economic Regionalism. – Washington, D.C.: The Brookings Institution, 2004. – P. 103.

3. Acharya A. Culture, Security, Multilateralism: The «ASEAN Way» and Regional Order // Culture and Security: Multilateralism, Arms Control and Security Building / Ed. By K. Krause. – L.: Frank Cass, 1999. – P. 78.

4. Lincoln E. East Asian Economic Regionalism. – Washington, D.C.: The Brookings Institution, 2004. – P. 130.

5. Торкунов А.С. Современные международные отношения. – М.: Изд-во «Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН)», 1999. – С. 98.

6. Пресс-конференция по итогам встречи глав государств и правительств стран-участниц АТЭС. Перу. Лима, 24 ноября 2008 г. // http://www.kremlin.ru/text/appears/2008/11/209579.shtml.

7. АТЭС-2009 // http://medvedev.viperson.ru/wind.php?ID=610257&soch=1.

8. АТЭС-2010 // http://news.kremlin.ru/ref_notes/774.

9. Результаты саммитов АТЭС, основные програмные документы // http://www.apec-center.ru/131/.

Р. Джураева,
канд. экон. наук, УМЭД

ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СТРАТЕГИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА

Ключевые слова: *устойчивое развитие национальной экономики, региональная политика, стратегия развития, конкурентное преимущество, экспортный потенциал, диверсификация экономики.*

* * *

Ушбу мақолада мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш долзарблиги ёритилган. Жумладан Қорақолпоғистон Республикаси мисолида бундай стратегияни ишлаб чиқиш тамойиллари ва жиҳатлари, шунингдек рақобатли афзалликларни аниқлаш асосида экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлари: *барқарор иқтисодий ўсиш, регионал сиёсат, ривожланиш стратегияси, рақобатли афзаллик, экспорт салоҳияти, иқтисодиётни диверсификациялаш.*

* * *

This article discusses the need to develop a strategy for socio-economic development of the regions in order to ensure sustainable economic growth. On the example of the Republic of Karakalpakstan illustrated the basic principles and aspects of the creation of such a strategy for the long term. In particular, based on the analysis of competitive advantage identified key measures to increase the export potential of the region.

Key words: *sustainable economic growth, regional policy, development strategy, competitive advantage, export potential, diversification of the economy.*

В современных условиях активизации процессов регионализации и глобализации всё большее значение для национальной экономики Узбекистана приобретает политика активного участия страны в мирохозяйственных процессах. Меры, принимаемые правительством в этом направлении, способствовали насыщению внутреннего потребительского рынка, привлечению иностранных инвестиций, созданию целого ряда новых высокотехнологичных производств, что позволило существенно диверсифицировать экономику, обеспечить её рост.

Важной составляющей устойчивого развития национальной экономики является обеспечение сбалансирован-

ности регионов на основе рационального использования их природного и экономического потенциала, поэтому существенно возрастает роль регионов в качестве самостоятельных субъектов внешнеэкономической деятельности. Так, значительно расширены полномочия регионов в сфере стимулирования местного экспорта и развития экспортоориентированных и локализующих производств, реализации инвестиционных проектов с привлечением иностранного капитала, что даёт им преимущества в конкурентной борьбе на рынках ресурсов, товаров и услуг. Активная региональная политика, направленная на сглаживание чрезмерных контрастов в социально-демографических, экономических и других уровнях различных территорий, имеет целью повышение конкурентоспособности регионов и всей страны. Это способствует росту доходов и повышению уровня жизни населения республики, усиливает безопасность и устойчивость экономики к внешним угрозам как на региональном, так и на национальном уровне [5].

Одним из направлений региональной политики стала разработка стратегии социально-экономического развития территории на долгосрочную перспективу, включающая комплекс мер для достижения поставленных целей. Для этого нужна всесторонняя критическая оценка сильных и слабых сторон региона в сфере экономики, природно-сырьевого потенциала и экологии, социального сектора и внешней среды, а также выявление основных факторов и возможных источников будущего развития [6].

Одним из регионов, остро нуждающимся в долгосрочном стратегическом плане развития, является Республика Каракалпакстан. Находясь в эпицентре экологической катастрофы, вызванной усыханием Аральского моря, Каракалпакстан испытывает сильнейший экологический кризис во всех сферах жизнедеятельности. Современными вызовами являются нарастающий дефицит водных ресурсов, отсутствие нормальной питьевой воды, опустынивание морского дна и деградация почвы, сокращение возможностей хозяйственной деятельности и ухудшение условий жизни и здоровья населения.

В регионе наблюдается значительное отставание развития промышленности, сельского хозяйства, сферы услуг и социальной сферы по сравнению с общереспубликанским уровнем, а также наличие серьёзных проблем в области демографии, занятости, уровня жизни населения, экологии и природоохранной деятельности. В связи с этим при формулировании главной цели стратегии социально-экономического развития региона в долгосрочный период, соотнесенном с базовыми принципами общеизвестной концепции устойчивого развития, нужно учитывать основные преимущества, благоприятные возможности и потенциальные угрозы для развития региона. Для Республики Каракалпакстан главной целью развития должно быть определено устойчивое поступательное наращивание материального благосостояния населения и улучшение качества его жизни на основе экологически обоснованного экономического роста.

Обеспечение устойчивого экономического роста предполагает реализацию комплекса мер по следующим приоритетным направлениям: модернизация, диверсификация промышленности и рост удельного веса базовых отраслей, совершенствование структуры сельского хозяйства, развитие тех отраслей, которые обеспечат повышение эффективности производства региона, рост экспортного потенциала, увеличение занятости населения в хозяйственном комплексе и улучшение условий его жизнедеятельности, снижение отрицательных последствий от усыхания Аральского моря и ухудшения экологической обстановки в регионе.

Следует отметить, что меры стратегического развития данного региона, с одной стороны, должны идти в русле комплексных программ и стратегий, реализуемых правительством Узбекистана в масштабе государства [1, 2, 3, 4]. Вместе с тем важно учитывать специфику, особенности и уровень развития производительных сил, наличие минерально-сырьевой базы и инвестиционных ресурсов данного региона, его сравнительные преимущества по экспорту, а также проблемные места, что придаст стратегии адресный, конкретный характер и повысит эффективность предлагаемых мер.

Важное условие формирования эффективных стратегических направлений развития – выявление конкурентных преимуществ региона. Для Республики Каракалпакстан к таким преимуществам можно отнести следующие:

- минерально-сырьевой потенциал, включающий крупные месторождения железной руды, нефти и газа, нерудного минерального сырья с индексом свыше 1,000;
- потенциал сельскохозяйственного производства по традиционным и по новым направлениям в растениеводстве, животноводстве и перерабатывающей промышленности;
- крупный промышленный потенциал, который составляют Кунградский содовый завод, УДП «Устюртгаз», Тахиаташская ТЭС, хлопкоочистительные, мукомольные предприятия, масложировые комбинаты и др.

С учетом данных конкурентных преимуществ важно разработать цели внешнеэкономической деятельности региона, направленной на формирование и рост экспортного потенциала.

Экспортный потенциал оценивается по следующим показателям [6]:

- объемы и структура внешнеторгового оборота, в частности экспорта, география основных рынков сбыта, доля малого бизнеса и частного предпринимательства во ВЭД, оценка деятельности участников ВЭД по экспортно-импортным операциям;
- конъюнктура мирового рынка, политическая обстановка в соседних странах и странах-партнерах, влияние мирового финансово-экономического кризиса, условия торговли и транспорт;
- сравнительные преимущества региона и условия диверсификации производства, его переориентации на высокотехнологичную продукцию, инвестиционный потенциал.

Выработка практических мер по расширению экспортного потенциала региона состоит в определении нескольких этапов:

